VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

17 (234) ● 2013 йил 8 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тадбирлар самарадорлигини оширишда фаол ёшларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ромитан туманидаги 12-болалар мусиқа санъат мактабида ўқувчи-ёшлар 11 йўналиш бўйича таҳсил олмоқда



5 МАЪНАВИЯТ

Сармишсойда ўтказилган анъанавий «Асрлар садоси» маданият фестивали таассуротларга бой бўлди



8 КЎЗГУ

## Хабарлар

### Янги педагогик технологиялар самараси

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида "Таълимнинг узлуксизлигини таъминлашда янги педагогик технологиялар ва инсон омилининг ўрни: натижалар, ривожланиш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидаги олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари вакиллари, ёш олим ва тадқиқотчилар, иқтидорли ўқувчи-талабалар иштирок этди. Анжуман чоғида мамлакатимиз таълим тизимидаги устувор йўналишлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг аҳамияти, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари, таълим самарадорлигини оширишда ўқув-услубий мажмуаларнинг ўрни, янги дидактик тизим — ижодий фикрлашни шакллантириш технологияси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

### Фаолияти сарҳисоб қилинди

**Пойтахтимизда Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг (ХҚХҚ) Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг инсонпарварлик фаолияти сарҳисоб қилинди.**

ХҚХҚ 1992 йилдан буён Марказий Осиё давлатларидаги Қизил ярим ой жамиятлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу кунгача қўмита жамиятларни фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, инспонпарварлик ҳуқуқи ҳақидаги билимларни ёйиш, оилавий алоқаларни тиклашда яқиндан кўмак бериб келмоқда. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ҳам бу борада сезиларли ишларни амалга ошириб келаяпти. Буни тадбирга йиғилганлар жамият фаолиятига бағишланган фильм намойишидан сўнг билиб олишди. Шу куннинг ўзида "Туркистон" санъат саройида ХҚХҚнинг халқаро миқёсдаги фаолиятига 150 йил тўлиши муносабати билан концерт берилди.

### Кўргазмада миллий қадриятлар

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Муҳаммадиёр Тошмуротовнинг шахсий кўргазмаси очилди.**

Кўргазмадан рассомнинг табиат манзаралари, саноат, тарихга айланиб бораётган турар-жойлар, портрет ва натюрморт жанридаги асарлари ўрин олган. Айниқса, "Ғилон" туркумига кирувчи асарлари кўргазмадан салмоқли ўрин эгаллаган. Кўргазмага қўйилган асарлар намойиши жорий йилнинг 13 майигача давом этади.

## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни



# Аждодлар хотираси — барҳаёт

*Тинчлик, осойишталик, барқарорлик, тотувлик, бағрикенглик — булар миллатимизнинг асрлар давомида шаклланган тафаккури, турмуш тарзи, урф-одатларига сингиб кетган. "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади" — бундай чуқур маъноли нақлнинг, халқ тафаккури маҳсулининг дунёга келиши ва шаклланиши учун ана шу халқ ўз бошидан не-не урушу қирғин-баротларни кечириши лозим бўлади.*

Миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган, сон-саноқсиз оилаларни пароканда қилиб ташлаган, шаҳару қишлоқларни хонавайрон этган Иккинчи жаҳон уруши башарият тарихида нафақат иштирокчи мамлакатлар, балки Ер юзидаги бутун инсоният учун улкан фожиа ва огоҳлик қўнғироғи бўлиб қолажак. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ тинчлик, осойишталик, барқарорлик, бағрикенглик каби масалаларга ҳаёт-мамот омили сифатида қаралди.

2-бет

## Жараён

# Қонун лойиҳалари муҳокамага киритилишида

**сиёсий партиялар фракциясининг роли кучайиб бормоқда**

*Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сиёсий тизим барпо этиш йўлида жамият ҳаётини изчиллик билан босқичма-босқич эркинлаштирилишини таъминловчи бир қатор ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди ва улар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Зеро, амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали таъминлаш, сиёсий тизимда бевосита иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш жараёнларини тобора чуқурлаштиришга қаратилгандир.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат қурилиши масалалари тўғрисида гапирар экан: "Давлатнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.

2-бет

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Пленуми тўғрисида**
**ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ**

2 май куни Тошкентда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг X Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. Ўз аризасига кўра Ахтам Турсунов ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинди.

ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси этиб Сарвар Отамуратов сайланди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий Кенгаши таркибига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

**ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси Матбуот хизмати**

## Қўмита йиғилиши

# Глобаллашув жараёнлари

**ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашни тақозо этади**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамкорлигида "Глобаллашув жараёнлари, маънавий таҳдидлар ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда мамлакат хавфсизлиги ва жамиятда барқарорликни янада мустаҳкамлаш, глобаллашув жараёнларида фуқароларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, бу борада маҳаллий ҳокимият ва кенг жамоатчиликнинг ролини ошириш масалалари муҳокама қилинди.*

Давра суҳбатини Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори М.Ҳамидов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кенг миқёсли ўзгаришлар юз бермоқда. Ёшлар давр билан ҳамнафас тарзда ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиб, янгича фикрлаш ва дунёқарашга эга бўлишмоқда. Буни биргина институтимиз талабаларининг чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқишни давом эттиришлари ҳам исботлаб турибди. Аммо ахборот технологияларининг имкониятларидан барча ёшлар ҳам унумли ва тўғри мақсадда фойдаланмоқда, дейиш қийин. Глобаллашув жараёнларида ёшларни ёт таъсирлар хуружидан асрашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда тинчлик ва осойишталикка рахна солаётган мафкуравий таҳдидлар дунё аҳлини жиддий ташвишга солмоқда. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда, дея таъкидлаган эди.

2-бет

## Давра суҳбати

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида муносиб иштирок этиш, партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, тобора яқинлашаётган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва асосийси, аҳоли орасига кириб бориб, хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда тарғибот-ташвиқот тадбирларининг аҳамияти беқиёс.*

# Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш

**орқали партия ғояси ва мафкураси тарғиботини кучайтириш бош мақсадимизга айланмоғи лозим**

Хўш, ЎзМТДПнинг амалга ошираётган ишларида ҳудудий ташкилотларда ўтказилаётган тадбирлар қандай аҳамият касб этмоқда? Бугунги кунда ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари сон ва сифат жиҳатдан талабга жавоб бера оладими? Миллий ғоя ва миллий тикланиш дастурий вазифалари тарғиботи ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш учун нималарга аҳамият қаратиш лозим? Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда ҳудудий партия ташкилотларининг ўзига хос тажрибаси қандай?

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158



**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

# Аждодлар хотираси — барҳаёт

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар қандай уруш мусибат ва хонавайронликлардан иборат. Бутун онгли башарият бугун ана шундай фикрда, бу борада иш олиб бораётган халқаро ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари ҳам фақат шундан иборат бўлмоғи лозим.

Президентимиз ташаббуси билан 9 майга Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилди ва у буткул янгича маъно, моҳият касб эта бошлади. Шу билан бирга унинг қамрови, масофаси, ҳудуд ва чегаралари янада кенгайди. Биз бу кунда энди нафақат Иккинчи жаҳон уруши воқеаларини, иштирокчиларини, балки яқин ва узоқ ўтмишимиз билан бевосита боғлиқ бўлган хотираларни ҳам ёдга оламиз, азизларимизни, яқинларимизни, ёру биродарларимизни эслаймиз. Ҳар қандай янги муносабат у агар миллат руҳига мос келса, анъана ва урф-одатларимиз билан уйғунлаша олса, чинакам миллий қадриятга айланади. Хотира ва қадрлаш куни ҳам бизнинг ана шундай миллий-маънавий қадриятларимиз сирасига киради.

Жойларда ва пойтахтимиз бош майдонида мустақиллик йилларида бунёд этилган Мотамсаро она ҳайкали, Хотира майдони ва китоби, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Шаҳидлар хотираси мажмуаси, қатор музейлар бугун том маънода бизнинг миллий-маънавий қадриятларимизга айланди.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллион нафарга яқин киши қатнашган. 500 минг нафарга яқини қурбон бўлган ва бедарак кетган. Мустақиллик шарофати билан алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг номлари тўлиқ қайта тикланди, хотира китобига номманом ўйиб ёзилди. Президентимиз жорий йилнинг 25 апрелида “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” Фармон қабул қилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, жумладан, жами отахону онахонларимиз бугун иззат-икромда. Президентимиз ташаббуси билан 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Кекса отахону онахонларимиз дуогўй, уйимизнинг тўри уларники, қадри баланд.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ана шу жараёнларда фаол иштирок этишга интилмоқда. Партия дастурида: “Партия миллий-маънавий тикланиш жараёнларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга фаол иштирок” этиши белгиланган. Жойларда партия ҳудудий ташкилотлари ташаббуси билан ёшларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлари, юзма-юз суҳбатлари ташкил этилмоқда. Фахрийларимиз ёшларимизни бугунги тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиш, Ватанимизни ёмон кўзлардан асраш, ташқаридан кириб келаётган ҳар қандай хавф-хатар ва таҳдидлардан огоҳ бўлишга ундамоқда.

Хотира ва қадрлаш куни ўтган аждодларимиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш билан бирга, ёнимиздаги одамларга меҳр-оқибатли бўлишга, иззат-икром қилишга, бир сўз билан айтганда, қадрлашга, эъзозлашга ўргатмоқда. Токи, ана шундай мўътабар тушунчалар яшар экан, бу заминда инсон қадри, юрт қадри, миллат қадри тобора юксалаверади.

**Исмат ХУДОЁРОВ**

**Қўмита йиғилиши**

# Глобаллашув жараёнлари

## ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашни тақозо этади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда эътироф этилганидек, истиқлол халқимиз учун миллий ўзликни англаш, қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш имконини берди. Мустақилликнинг тенгсиз имкониятлари ёшларнинг турмуши, ҳаёт тарзи ва дунёқарашида акс этмоқда. Глобаллашувнинг ҳаётимизга кўрсатаётган ижобий жиҳатларини инкор этиб бўлмайди, албатта. Лекин, ёшлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳон тарзда дуч келаётган ахборот ва мафкуравий хуружлар, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган иллатлар келажак эгаларининг маънавий оламига зарар етказиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ёшларни ҳар томонлама баркамол, дунёқараши кенг ва маърифатли қилиб тарбиялаш бугунги кун талабидир.

Таъкидланганидек, юксак маънавий-ахлоқий қадрият ва миллий анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш масалалари қонунчилик тизимига жорий этилаётгани ёшларни ҳар қандай ёт таъсирлардан асрашнинг муҳим омили бўлмоқда. Жумладан, “Бола ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ёшларнинг ахборот олиш хавфсизлиги тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаларининг тайёрланиши бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбати давомида ёшларни носоғлом ахборот оқимидан ҳимоялаш борасида миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий механизмлар, жумладан, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”-ги, “Бола ҳуқуқларининг асослари тўғрисида”ги қонунда шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир бўлишига сабаб бўлувчи ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши ҳам алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда “Дунёнинг мафкуравий манзараси ва бузғунчи ғояларга қарши курашда ижтимоий ҳамкорлик”, “Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда маънавиятнинг ўрни” каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика маънавият тарғибот маркази масъул ходимлари, Тошкент ирригация ва мелиорация институти профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

***Акмал РАҲМОНОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашда биринчи навбатда миллий ғояни фуқаролар онги ва қалбига чуқур сингдириш лозим. Айниқса, ёшларда соғлом эътиқодни шакллантириш, улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун равишда тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги давра суҳбатида ҳам фуқаролар билим ва тафаккурини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини амалга ошириш орқали ҳар қандай таҳдид ва ёт таъсирларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

***Бекзод МИРЗАЕВ,***
***тадбир иштирокчиси:***

— Тадбирда кўтарилган мавзу бевосита ҳаммамизга, ёшлар ва катта авлод вакилларига дахлдорлиги билан аҳамиятли бўлди. Яъни маънавий таҳдидларга қарши курашиш ҳам ёшларга, ҳам устозларга масъулият юклайди. Маърузачиларнинг ёшлар фикрлари билан ўртоқлашиши тадбирнинг жонли тарзда ўтишини таъминлади. Маърузалардан олган билимларимизни аудиторияда, дўстларимиз орасида муҳокама қилишимиз, фикрлашишимиз ва ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. Глобаллашувнинг имкониятларидан тўғри фойдалана олиш, ёт ғоялар таъсиридан бир-биримизни асраш асосий вазифамиздир.

**Шоҳида МАРС қизи,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**



ЎзМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳалари устида ишламоқда.

**Жараён**

# Қонун лойиҳалари муҳокамага киритилишида

## сиёсий партиялар фракциясининг роли кучайиб бормоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин” деб алоҳида таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг асосий мазмун-моҳияти “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясининг амалга оширилишида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кўппартиявийлик тизимнинг қарор топиши ва сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида илк маротаба “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади”, деган норманинг белгилаб қўйилиши кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг муҳим конституциявий асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг бир қатор моддаларида бевосита сиёсий партияларга оид қоидалар мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам сиёсий партияларни ташкил этиш, улар фаолиятини кафолатлашга устувор аҳамият берилганлигидан далолатдир.

2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”-ги Конституциявий қонун мамлакат сиёсий майдонидаги партияларга кенг ваколатлар бериш баробарида улар зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Мазкур Қонун сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши ва дастурларини янада ривожлантириш, уларнинг парламент қуйи палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар ишидаги кенг иштирокини мустаҳкамлайдиган барқарор тизимни шакллантиришни кўзда тутади.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш соҳасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг энг муҳим вазифаларидан бири давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига демократик ва миллий қадриятларни жорий этиш ва мустаҳкамлашдан иборат. Ана шу нуқтаи назардан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари қуйи палатада қабул қилинаётган қонунларда демократик қадриятларни халқимиз манфаатларига монанд, унинг менталитетини, анъаналарини, одамларимизнинг маданияти ва руҳиятига уйғун бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда Олий Мажлис томонидан қабул қилиниб, Президент томонидан имзоланиб матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун айнан мазкур жараённи янада такомиллаштиришни кўзда тутади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнининг амалдаги қоидаларини такомиллаштириш, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг қуйи палатада қонун лойиҳаларини кўриб чиқишдаги иштирокига оид механизмларни кучайтиришга қаратилган нормаларни қамраб олган. Киритилган янгиликлар қонунчилик фаолиятини янада демократлаштиришга, бу жараёнда фракциялар (депутатлар гуруҳлари) иштирокини фаоллаштиришга, уларнинг қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатлари ва сайловчиларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилиш имкониятларини оширишга кўмаклашади.

Қонун, шак-шубҳасиз, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришда депутатларнинг профессионал фаоллигини ҳамда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг ролини оширишга хизмат қилади. Бу қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатини оширишда ижобий аксини топади. Бошқача айтганда, ушбу ҳуқуқий ҳужжат қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида фракцияларнинг қонунлар лойиҳалари устида ишлаш имкониятларини кенгайтиради ҳамда қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг дастлабки босқичида сиёсий партиянинг дастурий мақсадларидан, электорат манфаатларидан келиб чиқадиган ўзининг позициясини шакллантиришга ва қонун лойиҳасини қўмиталарда ўрганиб муҳокама этишда партия нуқтаи назарини ҳимоя қилишга имкон беради.

Айниқса, фракция (депутатлар гуруҳи) томонидан билдирилган нуқтаи назарни кўриб чиқиш ва инобатга олиш мажбурийлиги тўғрисидаги норманинг жорий этилиши орқали қонун лойиҳасини тайёрлашнинг барча босқичларида, палатада ўринлар сони бўйича етакчилик қилаётган ёхуд ўзига қонун лойиҳаси учун масъул бўлган қўмита бириктирилган фракциянинггина эмас, балки барча фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг фикр ва мулоҳазалари инобатга олиниши мажбурийлиги ҳам демократиянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Қонунда Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида киритиладиган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини ташкил этувчи, тушган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) амалга ошириши ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш ҳақида норманинг киритилиши, шак-шубҳасиз, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларидан ўз вақтида ўтишини ҳамда келиб тушган қонун лойиҳаларини тақсимлашнинг янада демократик ва ошкора механизмини таъминлайди.

Қонунчиликдаги ушбу янгиликлар парламентнинг қонунчилик фаолиятида партиялараро кураш ва фракциялараро рақобатни янада кучайтириш имконини беради ва бу ўз навбатида замонавий парламентаризмнинг ижобий тенденцияси сифатида эътироф этилиши лозим.

**Акмал РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик**
**палатаси депутати,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий экспериментни амалга оширишга киришилди.***

**Ҳуқуқий эксперимент**

# Қонун ижодкорлигининг янги тажрибаси

## халқаро конференцияда муҳокама қилинди

Пойтахтимизда ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш назарияси ва халқаро амалиёти масалаларини муҳокама қилиш, уларни амалга ошириш услубиёти ва ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларини муҳокама этиш мақсадида илмий-амалий он-лайн конференция бўлиб ўтди. “Жамият ва давлат қурилиши соҳасида ҳуқуқий экспериментларни амалга оширишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги конференция Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги студиялар ўртасида интерактив видео алоқа ташкил этиш йўли билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи Ишчи комиссия ва ишчи гуруҳлар аъзолари, миллий ҳамда халқаро (ЕХҲТ, ПРООН, ЮНИСЕФ ва бошқа) ташкилотлар вакиллари, шунингдек, хорижий (Венгрия, Словения, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатлар) экспертлар, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз қонунчилик тарихида илк бор ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент миллий қонунчилик жараёнини демократлаштиришда муҳим қадам эканини, мазкур он-лайн конференция эса қонун лойиҳасини миллий ва халқаро экспертлар иштирокида муҳокама қилиш, янги таклиф ва ғояларни умумлаштириш имконини беришини таъкидлади.

Таъкидланганидек, ҳуқуқий эксперимент илмий ташкил этилган тажриба, экспериментал нормаларнинг самарадорлиги устидан кузатув олиб боришдан иборат бўлгани ҳолда, маърифий ва амалий фаолиятнинг бирлигини акс эттиради, эксперимент жараёнида назариётчиларнинг фикрларини амалий ҳаёт талабларига таққослашнинг ноёб имконияти пайдо бўлади. Тўғри йўлга қўйилган ва пухта ўйланган ҳуқуқий эксперимент катта тарбиявий таъсир кучига эга. У жамоатчилик эътиборини энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига қаратиб, жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

— “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқариш амалиётини бойитади, - деди Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов. — Қонун лойиҳаси уч принципга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Яъни, миллий ҳуқуқий тажриба ҳисобга олиниб, 10 дан ортиқ қонун ва 40 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат инвентаризация қилинди, илғор хорижий мамлакатларнинг ОАВ тўғрисидаги Қонунлари қиёсий таҳлил этилди ҳамда Халқаро нотижорат ҳуқуқ марказининг халқаро экспертиза хулосалари олинди.

Конференция ишида иштирок этган ҳуқуқшунос олимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойиши эксперимент ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни комплекс ва тизимли равишда тартибга солишини таъкидлашди.

Он-лайн конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий экспериментнинг бошланиши ва бу жараёнда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасидаги ўзгарган қоидалар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш чора-тадбирлари сифатли бажарилишига эътибор қаратдилар. Уларнинг фикрича, айнан ҳуқуқий тартибга солишнинг янги шарт-шароитлари фуқаролар томонидан тушунилиши, улар онгидаги ўзгаришлар ҳуқуқий эксперимент сифатли амалга оширилишининг гарови бўлиши керак.

Қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш амалиёти масалаларини муҳокама этишда мазкур ҳуқуқий эксперимент субъектлари — Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари фаол иштирок этдилар. Улар конференция иштирокчиларини он-лайн мулоқот тарзида ҳуқуқий эксперимент доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ва яқин истиқболдаги долзарб вазифалар ҳақида хабардор қилдилар. Шунингдек, ҳуқуқий экспериментнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Якунда ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш усулларидан фойдаланиш асосида миллий қонун ижодкорлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган назарий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳамда "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди ҳамкорлигида 9 май — "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан «Хотира боқий, қадр муқаддас» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳамда "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди масъул ходимлари, бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

**Эҳтиром**



# Хотира боқий, қадр муқаддас

## мавзусидаги тадбир ёшларни ватанпарварликка ундади

Дастлаб иштирокчилар "Шаҳидлар хотираси" майдонидаги рамзий қабр тошига гул қўйиб, ўтганлар хотирасини ёд этдилар. Шундан сўнг тадбир "Қатағон қурбонлари хотираси" музейида давом эттирилди. Йиғилишни музей директори, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Бахтиёр Ҳасанов кириш сўзи билан очиб, юртимизда Хотира ва қадрлаш кунини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этди.

Президентимиз ўтган йили Хотира майдонида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида таъкидлаганларидек, тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир. Дарҳақиқат, ҳар йили мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланиб, ўтганлар ёд олинади, тириклар эса ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат кўрсатиб қадрланади. Жорий йилда ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг 25 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамини, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 68 йиллигини муносиб нишонлаш, шу муносабат билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш белгиланди.

— Мамлакатимизда инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати юксак ҳисобланади, - деди ЎзМТДП фракция аъзоси Арслон Эшмуродов. — Буни халқимизнинг бетоблар ҳолидан хабар олиш, нуронийларни зиёрат қилиш, ўтганларни хотирлаш каби азалий қадриятлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ана шундай миллий қадрият ва урф-одатларни асраб-авайлаш, ёшларда уларга нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларидандир. Бугунги тадбир хам партия сайловолди Платформасида илгари сурилган ўз Ватанига, халқига чексиз муҳаббат, тарихий ўтмишни ёдда сақлаш, буюк бобокалонларимиз фаолиятидан фахрланиш, мамлакатимизнинг ҳозирги кунда эришган ютуқларини асраб-авайлаш ва гуллаб-яшнатиш тўғрисида жон куйдириш, келгуси авлодларимиз учун кучли ва гуллаб-яшнаган Ватанни қолдириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадбир давомида Хотира майдони ва мотамсаро она ҳайкалининг бунёд этилиш жараёнлари акс этган видеофильм намойиш қилинди. Учрашув якунида уруш ва меҳнат фахрийларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

***Мадамин ҲАСАНОВ, уруш ва меҳнат фахрийси:***

— Ўтган йилларни таққослаб, йилдан-йилга юртимизнинг ривожланиб, тараққий этиб бораётганига гувоҳ бўлиб беҳад қувонамиз. Шу кунларга етказганига шукрона айтиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига, обод ва фаровонлигига кўз тегмасин, дея дуо қиламиз. Бугунги давр ёшларига ҳавасимиз келади. Улар билан учрашганимизда доимо она юртнинг қадрига етиш, тинч-осойишта ҳаётни асраб-авайлашни бот-бот таъкидлаймиз.

***Фаррух ДЎСТМУРОДОВ, тадбир иштирокчиси:***

— ЎзМТДП томонидан ўтказилган мазкур тадбир халқимиз, айниқса, ёшларда мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш, тарихдан хулоса чиқариб, тўғри йўл танлаш, ота-боболаримиз мардлиги ва жасоратидан ғурурланиш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва муносиб авлод бўлиб улғайишга хизмат қилади. Юртимизда қарор топган фаровон ва тинч-осойишта ҳаётни асраб-авайлаш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида ҳар биримизга масъулият юкланиши таъкидланди.

**М.КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**ЎзМТДП дастури — амалда**

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, «Ёшлар қаноти» етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.*

# Жисмонан соғлом, маънан юксак

## авлодни тарбиялашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаси



Давра суҳбати ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур уйғотиш, замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш масалаларига бағишланди.

— Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ёш авлодда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат ҳиссини юксалтиришга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларидан саналади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов. — Ўйлаймизки, мазкур давра суҳбати ёшларда мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда сўз олган фракция аъзолари истиқлол йилларида юртимизда соғлом дунёқараш ва мустақил тафаккурга эга ёшларни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидладилар. Эътироф этилганидек, буюк алломаларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, ёшларга етказиш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маънавият, санъат ва маърифат масканлари, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, таълим даргоҳларини давр талаблари асосида ташкил этиш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиришга устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда. Таълим жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш борасида янгидан янги имконият ва шароитлар яратилмоқда.

— Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси М.Алимова. — "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ёшларнинг мустақил фикр ва дунёқарашга эга шахслар сифатида вояга етишларида ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, фракциямиз аъзолари ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбати якунида иштирокчи ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги иш жараёни билан яқиндан танишдилар.

**Ўз мухбиримиз**

---

**Партия лойиҳаси**

# Озод юртнинг обод гўшаси

## ёшлар акцияси ҳудудий кенгашларда фаоллик билан ташкил қилинмоқда

***Маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялашга кўмаклашишни партия ўзининг долзарб вазифаларидан деб билади.***

**ЎзМТДП сайловолди Платформасидан**

*Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада оширишга кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор дастурий мақсадларидан саналади.*

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия "Ёшлар қаноти" томонидан қатор тадбир, учрашув ва лойиҳалар ўтказилмоқда. Хусусан, "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида ташкил этиладиган "Озод юртнинг обод гўшаси" номли акция ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Акция доирасида ёшлар тарихий обида ва ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қадамжоларда бўлиб, уларнинг тарихи, ўтмиши билан танишиш имконига эга бўлмоқда. Айни пайтда ҳудудий партия ташкилотларида мазкур акция давом этмоқда.

ЎзМТДП Қоракўл туман Кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги қадимий Пойкент шаҳар қалъаси ҳамда X аср меъморчилигига мансуб Чибирдон ота ёдгорлигида "Озод юртнинг обод гўшаси" ёшлар акцияси ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Зиёрат" қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Дастлаб Чибирдон ота ёдгорлиги тарихи тўғрисида ёшларга тушунча берилди.

— Тадбирда иштирок этган ёшлар қадамжо ҳақида кенгроқ ва тўлиқроқ маълумотларга эга бўлишди, - дейди партия туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Н.Очилова. — Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги муқаддас зиёратгоҳни яна бир карра қайтадан кашф этдилар. Бу хайрли тадбир ЎзМТДП дастурий мақсадларида белгиланган миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши, тарихий обида ва ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказишга кўмаклашиш, шунингдек, туризмнинг ривожланишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Қадамжога келган йигит-қизлар ободонлаштириш ишларига киришиб кетдилар. Ёдгорлик ҳудуди бегона ўтлардан тозаланди, чиқиндилар чиқариб ташланди.

Халқимизда "Ўтмиш кўзгудир, унга боқсанг миллат тарихи кўз олдингда юз очади", деган ибора бор. Шу боисдан ҳам ўтмишга назар ташлашимиз, аждодлардан қолган меросни қадрлашимиз ва яқинларимизни ҳам бунга даъват этмоғимиз лозим. Зеро, тарихсиз келажак бўлмайди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилган "Озод юртнинг обод гўшаси" акциясининг объекти Катқалъа тарихий мажмуаси бўлди.

ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши депутати Илҳом Пиров бошчилигида шовотлик ёшлар тумандаги мазкур ёдгорликда ободонлаштириш ишларини олиб бордилар. Партия фаоли, тарихчи Нурмат Ражабов хайрия акцияси иштирокчиларига қалъа тарихи ҳамда ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Академик С.Толстов, Яҳё Ғуломов ва Исо Жабборов қалъа тарихига оид қимматли маълумотларни аниқлаганлар. Шунингдек, 2005-2007 йилларда шаҳарда археологик тадқиқот олиб борган олимлар Катқальанинг 16 та устун тагкурсиси борлигини маълум қилдилар. Ана шундай тарихий гўшаларда ҳашар уюштириш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш, бу орқали ёшлар қалбида Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини янада юксалтиришни мақсад қилган "Озод юртнинг обод гўшаси" акциясини ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши атрофида бирлашган ёшлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Ёшлар қалъа атрофини тозалаб, унга элтувчи йўлакни тартибга келтирдилар. Улар Катқалъа ҳақида янги билимларга эга бўлгани, буюк инсонлар авлоди эканлигини яна бир карра ҳис қилганликларини эътироф этиб, аждодларга муносиб ворис бўлишга ваъда бердилар.

* * *

Истиқлол халқимизга ўтмиш қадриятларимиз, бой тарихий, маънавий ва маданий меросимиз, анъана ва урф-одатларимиз, қолаверса, ўзлигимизни ҳам инъом этди. Бугун жонажон юртимизнинг гўшалари обод бўлди. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, юртимиз жамоли ўзгача қиёфа касб этди. Айниқса, тарихда яшаб ўтган буюк аждодларимиз мангу қўним топган муқаддас зиёратгоҳлар ўзлигимизга хос, шарқона меъморий ечим ва услубда сайқал топгани, кўп асрлик тарихга эга, буюк олиму-уламоларга бешик бўлган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздаги тарихий обидаларнинг қайта реконструкция қилиниши юртимиз қиёфасини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Тошкентнинг марказий қисмида, Салор каналининг шимолида жойлашган Мингўрик археологик ёдгорлигида ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил қилинган "Озод юртнинг — обод гўшаси" ёшлар акцияси доирасида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Мингўрик кўҳна шаҳри Тошкент ҳудудидаги антик ҳамда илк ўрта аср даврининг энг қадимий археологик ёдгорликларидан биридир. Шаҳарнинг кўркига кўрк, салобатига буюклик улашаётган бу каби тарихий ва миллий-маданий объектларни асраб-авайлаш, уларга сайёҳлар ташрифини кўпайтириш юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар тинч ва осойишта ҳаётимиз, фаровон турмуш тарзимиз ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатларни фахр билан тилга олиб, ЎзМТДПнинг асосий принципи — халқ маънавиятини тиклашга кўмаклашувчи анъаналар ва ижтимоий тараққиёт бирлиги принципини ҳаётга жорий этиш, халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар онгида миллий меросимизни асраб-авайлаш, миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш лозимлигини таъкидладилар.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбир ҳам ана шу эзгу қадриятларнинг амалий ифодасидир.

**Акбар ЖИЯНОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати ходими,**
**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз**

# Наманганда янги қуйи бўғин

## ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари тарғиботи аҳолининг кенг қатламлари орасига кириб бормоқда

*Партия ғоя ва мақсадларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, электорат эҳтиёжларини ўрганишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни беқиёс. Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ ҳудудий Кенгашлар қошида партиямиз ғоялари ва дастурий мақсадларига ишонган фуқароларни ўзида жамлаган қуйи бўғинлар ташкил этилмоқда.*

Яқинда халқ депутатлари Наманган туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Саломатхон Азимова раҳбарлик қилиб келаётган вилоят Болалар ревмотология санаторияси ходимларининг 50 нафари партия аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг ихтиёрий бирлашуви натижасида вилоят Болалар ревмотология санаторияси қошида бошланғич партия ташкилоти ташкил этилди.

Қуйи бўғин ташкил этиш муносабати билан ўтказилган тадбирда ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Наманган туман Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, вилоят Болалар ревмотология санаторияси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни партия Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Юлдузхон Раҳимова кириш сўзи билан очиб, партия томонидан ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш борасида ўтказиб келинаётган спорт мусобақалари, тадбир, давра суҳбатларининг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ёшлар ва аёллар, халқ усталари ва ҳунарманд, зиёли, оилавий тадбиркор, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқа соҳа вакиллари манфаатларига қаратилган турли йўналишдаги лойиҳалар партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Якунда вилоят Болалар ревмотология санаторияси қошида ташкил этилган қуйи бўғин етакчиси этиб мазкур муассаса директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Умида Ўринованинг номзоди бир овоздан маъқулланди ва яна ўн нафар ходим партия аъзолигига қабул қилинди.

***Муяссар КАМОЛОВА, ЎзМТДП Наманган туман Кенгаши етакчи мутахассиси:***

— Партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, аъзолар сафини кенгайтириш борасида қуйи бўғинлар фаолияти янада такомиллаштирилмоқда. Туман кенгашимиз қошида ортда қолган йилда бошланғич партия ташкилотлари 10 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра улар сони 27 тага етди. Қуйи бўғинлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида туман Кенгашимиз билан ҳамкорликда "Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги", "Соғлом ҳаёт — обод турмуш гарови", "Оила мустаҳкамлигида никоҳ шартномаларининг аҳамияти", "Ёшлар — обод Ватан келажаги" каби мавзуларда тадбир ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

***Саломатхон АЗИМОВА, халқ депутатлари Наманган туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ғояларини тарғиб қилишда бошланғич партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Қуйи бўғин, депутатлар ва ҳудудий партия ташкилотининг ҳамкорлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, партия ғояларини амалга ошириш шунчалик самарали кечади. Шу боис партия Наманган туман Кенгаши томонидан маҳаллий кенгаш депутатлари ва қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор амалий ишлар қилинмоқдаки, бу саъй-ҳаракатлар секин-аста ўз натижаларини кўрсатмоқда. "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари", "Сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил қилиш" мавзуларидаги ўқув-семинарлар шулар жумласига киради.

**Азамат ҚОСИМОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби,**
**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЎзМТДП дастури — амалда

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзМТДПнинг бир гуруҳ фаоллари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида юқоридаги саволлар юзасидан фикр алмашилди.

***Рустам РАШИДОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси бўлим бошлиғи:***

— Партиямиз дастурий мақсад ва ғояларининг кенг жамоатчилик орасига кириб бориши, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилашда тадбирлар таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирларни ноанъанавий, янгича усулларга таянган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, танланган мавзунинг ЎзМТДП ғояларига ҳамоҳанглигига эътибор қаратиш, тадбирдан аввал ҳунарманд ва халқ усталари асарларининг кўргазмасини ташкил қилиш, халқ ансамбллари ва фольклор жамоаларининг чиқишларини уюштириш, саҳна кўринишлари, ватанпарварлик руҳидаги асарлардан бадиий-ифодали ўқишлар ҳамда мустақиллик ғояларига, юртимиз маънавиятига хизмат қилиб келаётган санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш — партиямизнинг ўзига хос брендига айланди.

Таъкидлаш жоизки, фаолиятимизни замонавий усуллар воситасида амалга оширишни мақсад қилганмиз. Бунда энг мақбул йўл партия фаолиятини йирик лойиҳалар орқали бошқаришдир. Ана шундай йирик лойиҳаларимиздан бири "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликнинг ривожланишидаги аҳамияти" мавзусидаги семинарлардир. ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида 2012 йил давомида Хоразм, Андижон, Самарқанд, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашларида ўтказилган тадбирларда 100 дан ортиқ (103 нафар) ҳунарманд ва оилавий тадбиркорга 3 млрд. сўмга яқин имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди. Ажратилган мазкур имтиёзли кредитлар натижасида юқоридаги вилоятларда 300 га яқин янги иш ўринларини яратишга эришилди. Ушбу лойиҳа жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Сурхондарё ҳамда Бухоро вилоят Кенгашларида ташкил этилган кредитлаш лойиҳаси доирасида 39 нафар ҳунарманд ва оилавий тадбиркорга жами 1 млрд. 213 млн. 500 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

Мазкур лойиҳанинг аҳамияти шундаки, энг аввало, партия томонидан юзлаб оилавий тадбиркор ва ҳунармандлар ўз фаолиятини самарали тарзда йўлга қўйишларига кўмаклашилмоқда, 400 га яқин иш ўринлари яратилишига эришилиб, аҳоли турмуш фаровонлигига ҳисса қўшилмоқда. Шунингдек, ушбу семинарларда иштирок этаётган минглаб фуқаролар ва партия хайрихоҳлари ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари билан танишиб, унинг сафига қўшилмоқда.

Бевосита саволга қайтадиган бўлсак, ҳозирги кунда тадбирларни ташкил этишда интерфаол методлар ва ахборот технологияларини қўллашга бўлган эътибор ва қизиқиш кундан-кунга кучайиб бормоқда. Чунки анъанавий маърузачилик ва бир томонлама сўзамоллик билан аудиторияни жалб қилиб бўлмайди. Аксинча, нутқий маҳоратга таянган ҳолда интерфаол усуллар, замонавий инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, бирор мавзу, савол, фикрни ўртага ташлаган ҳолда муаммонинг ечимини топиш ва шу орқали иштирокчилар эътиборини тортиш, уларда қизиқиш уйғотиш орқали тадбирнинг асосий мақсад ва ғоясини секин-аста сингдириб бориш кутилган самарани беради. Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш учун фақатгина бир томонлама маъруза эмас, тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Тадбирларни ташкил этиш борасида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, айрим ҳудудий партия ташкилотлари ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини кенг аҳоли қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйишмоқда. Бу каби камчиликларни бартараф қилишда партиямизнинг барча фаоллари масъулиятли бўлмоғимиз лозим. Зеро, сайлов жараёнлари яқинлашаётган бир пайтда сусткашлик эмас, фаоллик талаб этилади. Айниқса, тадбирлар самарадорлиги янада оширилиб, таъсирчанлиги кучайтирилса, кўзлаган мақсад-муддаоларимизга эришилади.

## Давра суҳбати



# Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш

### орқали партия ғояси ва мафкураси тарғиботини кучайтириш бош мақсадимизга айланмоғи лозим

***Камола АБДУВАЛИЕВА, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Маънавий маърифий ва мафкуравий масалалар бўйича бош мутахассиси:***

— Биз ҳам тадбирлар ташкил этишда, аввало, фуқароларнинг йилдан йилга сиёсий жиҳатдан савияси ортиб бораётганини эътиборга олиб, ноанъанавий тарғибот шаклларини излаб топишга ҳаракат қиляпмиз. Жорий йил партия фаолиятида кадрлар салоҳиятини ошириш йили деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бугун ҳар бир партия ташкилоти ходимига маънавий-маърифий ва мафкуравий йўналишни янада ривожлантириш, сайловчилар орасига кенгроқ кириб бориш талаби қўйилмоқда, бунга эҳтиёж ҳам юқори.

Жорий йилда ҳам фаолиятимизнинг асоси сифатида маънавий-маърифий тарғибот ишлари таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини ишлаб чиқиш, тарғибот ишларида етакчи мутахассислар учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни самарали ташкил этиш, нотиқлар ва матбуот котиблари малакасини ошириш, жамоатчи мухбирлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, партия ғоялари мазмун-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Демократик ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда сиёсий партиялардан даврийлик эмас, узлуксиз фаоллик талаб этилади. ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши жойларда узлуксиз тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бу эса имкониятларимиздан келиб чиқиб, миллий тикланиш ғояларини тарғиб этишнинг янгича ва самарали усулларини яратишимизга турткی бераётир.

Шу нуқтаи назардан партия Кенгашимиз тадбирлар ташкил этишда ўзига хос тажриба орттирмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, ўтказилаётган тадбирлар қуруқ - фақатгина маърузалардан иборат бўлиб қолишининг олдини олишга, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларнинг янада жонли, таҳлилий ва албатта, тушунарли бўлишига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бугунги аудиториянинг жараёнда бевосита ўзи ҳам иштирок этишга бўлган истаги кучли эканлиги ҳисобга олиниб, маърузалар интерактив усуллар билан бойитилмоқда. Маърузачи мавзу юзасидан кўмаклашувчи дастгоҳлар — тақдимот слайдлари, кўргазмали қуроллар билан таъминланиши, ҳар бир маъруза ниҳоясида тингловчиларнинг уни қай даражада ўзлаштиргани юзасидан рағбатлантирувчи тест синовлари ўтказиш, айрим ўринларда маърузадан воз кечилиб, қатнашчилар билан мулоқотга киришиш тадбирлар таъсирчанлигини оширмоқда.

Тажрибамиздаги энг самарали усуллардан бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Тарғибот ишларимизни тадбир ўтказиладиган туман аҳолисининг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил қиламиз. Улар билан бўладиган мулоқотларда қайси жиҳатлар кўпроқ фойда келтиришини мулоҳаза қиламиз. Аҳолиси ўзига хос характерга эгалиги билан ажралиб турадиган Марҳамат, Қўрғонтепа, Избоскан туманларида муаммоли мавзуларга бағишланган, туман аҳолисини кўпдан буён ўйлантираётган йўналишларда мулоқотлар уюштирамиз. "Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари", "Биз соғлом муҳит тарафдоримиз", "Миллий тарбия — эзгулик ўчоғи" каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир. Тадбирлар ташкил этишда оқсоқликка йўл қўяётган Улуғнор ва Марҳамат туманларида кўчма семинарларнинг ташкил этилиши нитижасида фаол туман кенгашлари билан тажриба алмашиш имкони яралмоқда. Бу бир тарафдан мавжуд муаммони ҳал этишда янги йўлларни топишга имкон беради, иккинчи тарафдан аҳолининг партиямизга бўлган ишончини янада орттирмоқда, жойлардаги хайрихоҳларимиз сафи кенгайишига хизмат қилади.

***Рустам РАШИДОВ:***

— Аҳоли эҳтиёжлари ва талабини ўрганиб, шу асосда тадбир ташкил этиш яхши тажриба, албатта. Аммо, тадбирлардан олдин аҳолининг барча қатламлари эҳтиёжини тўлиқ ўрганиш учун катта имконият керак. Демак, ҳудудий партия ташкилотларида бундай имконият мавжуд, деб бемалол айта оламиз.

***Шаҳноза РАСУЛОВА, ЎзМТДП Навоий вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси:***

— Албатта етарли, лекин гап бу имкониятлардан тўғри ва тўла фойдалана олишда. Масалан, биз ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда туманлардаги маҳаллаларда бўлиб, хотин-қизларнинг қизиқишларини, хоҳиш-истакларини ўрганяпмиз. "Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги" мавзусида давра суҳбатида уйда ўтирган аёлларнинг кўпчилиги ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари, касаначилик ва оилавий тадбиркорликка қизиқишини, бу борада уларга моддий ва маънавий кўмак лозимлигини билдиришди. Бундай фаол хотин-қизларга амалий кўмак бериш мақсадида тегишли мутахассислар иштирокида учрашувлар ташкил қилиб, керакли маълумотлар билан таништираяпмиз. Бу саъй-ҳаракатларимиз тадбирларимизнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

***Жавлонбек АҲМЕДОВ, ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:***

— Юқоридаги фикрлардан аён бўлдики, туманларда аҳоли эҳтиёжларини ўрганиб тадбир ташкил этиш кўзланган натижани беради. Бу борада менинг ҳам бир таклифим бор. Туманларда ўтказилаётган ана шундай руҳдаги тадбирларимиз натижаси билан ҳам қизиқиб кўришимиз керак.

Яна бир фикр — партиямизнинг энг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳини юксалтиришдир. Ушбу дастурий мақсадларга эришишда ўқув-семинарлар ташкил этаяпмиз. Илгари ўқув-семинарлар бир босқичда ташкил этиларди. Бугунги кунда партиямиз электоратининг ҳар томонлама фаоллигини, сиёсий билимини ошириш мақсадида замонавий технологик ва услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда икки-уч кунлик ўқувларни ташкил қиляпмиз.

Партия ғоялари ва дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, ходимлар ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, депутатлик гуруҳлари ва куйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришда "Партия ташкилотларида кадрлар захирасини шакллантиришнинг долзарб вазифалари", "БПТнинг электорат манфаатлари ва долзарб ижтимоий масалаларни ечишдаги иштироки", "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзуларидаги ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Партиямиз фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган таклифлар, ечимини кутаётган муаммолар, уларни бартараф этиш масалалари юзасидан гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфаол усуллардан фойдаланилди. Энг муҳими, ўқув-семинар сўнгида ҳар бир иштирокчининг мавзу юзасидан фикрлари тингланди, бу эса уларнинг ўз фаолиятига янгича фикр, янгича ташаббус билан ёндашишига замин яратади. Бу партия кадрларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий йўналишлардаги зарур малака ва кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилмоқда.

***Шаҳноза РАСУЛОВА:***

— Гапингизда жон бор, Жавлонбек. Икки-уч кунлик ўқув-семинарларнинг натижаси юқори бўлади, албатта. Аммо ҳамма тадбирларни ҳам бу тарзда ўтказа олмаймиз-ку! Мақсад — тадбирнинг неча соат давом этишида эмас, балки унинг мазмун-моҳиятида, сифатида. Масалан, биз тадбирларимизнинг таъсирчанлигини янада кучайтириш мақсадида уларнинг кенг қамровли ўтишига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Хотин-қизларнинг қобилиятларини юзага чиқариш, ҳуқуқий-сиёсий билимларини янада ошириш, фаолиятларини кенг оммага таништириш, бандлик масаласига кўмаклашиш мақсадига қаратилган "Миллий ҳунармандчилик — миллий қадрият, уларни ривожлантиришда ва асраб авайлашда хотин-қизларнинг роли" ҳамда "Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни" мавзусидаги учрашувларга ЎзМТДП фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, Савдо-саноат палатасининг туманлардаги бўлими, банклар ва маҳаллалар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларидан вакиллар жалб қилинади. Шу билан бирга ҳудуддаги кичик корхона ва фирма раҳбарларининг таклиф қилиниши аёлларнинг бандлиги масаласини ечишга имкон яратмоқда.

***Бунёд ЛУҚМОНОВ, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони "Ёшлар қаноти" етакчиси:***

— Бу борада партия "Ёшлар қаноти" томонидан «Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида», "Баркамол авлод — обод Ватан келажаги", "Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавиятига таъсири", "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида", "Миллий ўйинлар" фестивали каби бир қатор тадбирлар ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ва фаоллигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" деб номланган учрашувга санъат ва спорт соҳаларида ном қозонган машҳурлар, давлат мукофотларига сазовор бўлган ёшларнинг жалб қилиниши иштирокчиларнинг қизиқиш ва интилишини, шунингдек, партияга хайрихоҳлигини оширишга хизмат қилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин: 2012 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши жами аъзолар сони 5041 нафардан иборат бўлиб, шундан 2321 нафарини ёшлар ташкил этган. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатида эса жами аъзолар 10 899, шундан 6769 нафарини ёшлар ташкил қилади. Яъни партия вилоят Кенгаши аъзолари таркибидаги ёшлар сони бир йил давомида 4448 нафарга ошган.

***Жавлонбек АҲМЕДОВ:***

— Тўғри, партия ташкилотларида ташкил этилаётган тадбирлар қанчалик самарали бўлса, маслакдошларимиз сафи шунча кенгайиб бораверади. Ёшлар орасида бугунги ислоҳотлар мазмуни акс эттирилган тарғибот тадбирлари янгича руҳда, фақат маърузаларга таянмаган ҳолда ташкил этилиши керак, деб ўйлайман. Чунки, бугунги кун ёшлари кечагисидан тубдан фарқ қилади. Улар учун фақат монолог тарзидаги тадбирлар зерикарли бўлиши аниқ. Шу боис, иштирокчиларнинг ўзларини жалб қилган ҳолда, интерфаол усуллардан фойдаланиш кутилган натижани бериши мумкин.

***Камола АБДУВАЛИЕВА:***

— Шу ўринда яна бир таклиф — партиямиз ғояларини тарғиб этишда қўллаётган усулларга қўшимча равишда ўзига хос учта лойиҳани амалга ошираяпмиз. Уларнинг дастлабкиси "Омадли визитка" деб номланиб, унинг мақсади — партиямиз тарафдорлари сонини кўпайтиришга йўналтирилган. Иккинчиси, "сондан сифат устунлиги" хусусиятини бош мезон қилиб олган лойиҳа — "Мобил миллий тикланиш"дир. Унинг мақсади — партиямиз сафига қабул қилинган, бироқ у ёки бу сабаблар билан унинг ҳаракат ва ғояларини тарғиб этишда суст қатнашаётган партиядошларимизни жонлантиришга қаратилган. Бизга энг кўп ёрдам бераётган учинчи усул — "тенгдош тенгдошга" лойиҳаси бўлиб, бу ёшлар орасида яхши натижа кўрсатмоқда. Яъни, тадбирларимизда иштирок этган ёшлар ундан олган таассурот ва маълумотларини барча тенгдошларига етказиб, партия ғоя ва мақсадларини кенгроқ доирада тарқалишига ҳисса қўшишади. Бу тажриба бошқа вилоят Кенгашларида ҳам оммалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

***Бунёд ЛУҚМОНОВ:***

— Партиядошларимиз фикрига қўшилган ҳолда яна шуни қўшимча қилмоқчи эдим. Тадбирлар сифати, самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида фаол ёшларимизнинг ўзларини фикр ва таклиф-мулоҳазаларини олишга ҳаракат қилаяпмиз. Йиғилган фикрлар шуни кўрсатадики, тадбирдан кўзлаган мақсадларимизга эришишда кўпроқ ноанъанавий, интерактив усуллардан фойдаланиш, видеоролик ва аудиовизуал воситаларни қўллаш юқори самара берар экан.

***Рустам РАШИДОВ:***

— Хулоса қилиб айтганда, тадбирларимиз мавзусига аудиториянинг талаб ва эҳтиёжларидан, қизиқишларидан келиб чиқиб ёндашиш, шунингдек, уларга таниш жараёнлардан мисол келтириш зарур. Чунки иштирокчиларни қизиқтира олсаккина тадбирдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шунингдек, маърузачиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигига эътибор қаратиш лозим.

Ўйлаймизки, тобора яқинлашиб келаётган сайловлар жараёнида ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари партия сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда таъсирчан ва янада самарали тадбирлар ташкил этиб, аҳоли орасида партия нуфузининг янада ошишига ўз ҳиссасини қўшади.

**"Milliy tiklanish" мухбирлари Шоҳида ДАМАНОВА, Муҳтарама КОМИЛОВА ёзиб олди**

## Хроника

# Тарихий мерос

### уни асраб-авайлашга барчамиз масъулмиз

## ҚАШҚАДАРЁ

Устоз-шогирд анъаналарига тўлақонли жавоб берадиган миллий, амалий ҳунармандчиликнинг замон талабларига мос шаклини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида илгари сурилган устувор вазифалардан саналади. Ушбу дастурий мақсадларни амалга ошириш мақсадида партия ҳудудий ташкилотларида қатор тадбир ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази, "Ҳунарманд" уюшмаси, "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида халқ амалий санъати усталари ва ҳунармандлар иштирокида "Ҳунармандлар оиласи" мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда партия вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик анъаналари изчил давом эттирилиб, қадриятларимиз давомчилари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, - деди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Ш.Ҳайдаров. — Тарихи минг йилларга бориб тақаладиган, аждодлардан мерос бу бебаҳо қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб, халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ, халқимизнинг ўзига хос қадриятлар булоғи қайта кўз очди. Айниқса, соҳа тараққиёти учун яратиб берилган қулайликлар боис миллий ҳунармандчилик жадал равнақ топмоқда. Бу жараёнларга партиямиз ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интиляпти. Жойларда ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган семинарларда қадриятларимиз давомчиларига имтиёзли кредитларнинг ажратилиши ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Ғолиблар ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Миробод туман Кенгашлари ҳамкорлигида "Ахборот хуружларининг ёшлар маънавиятига таъсири: муаммо ва ечимлар" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Тошкент шаҳар ва Миробод туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, Маънавият тарғибот маркази ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси М.Поёнова кириш сўзи билан очиб, чегара билмас ахборот оқими, унинг манбаларидан фойдаланиш, ёшларни турли ахборот хуружларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлади.

— Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига инсон тафаккурининг маҳсули бўлган замонавий технологияларнинг шиддат билан кириб келиши, янгидан-янги имконият ва қулайликларни яратмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан партия Миробод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси М.Валиева. — Табиийки, ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар даврида кишиларнинг атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни билиш, ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда хулоса чиқаришга бўлган эҳтиёжи ҳам ортади. Ҳар бир нарсанинг икки томони бўлгани каби бу имкониятлар ҳам ёшлар учун салбий муаммоларни олиб келмоқда. Партиямиз томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёш авлодни турли зарарли одатлар ва ахборот хуружлари таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, Интернет тармоқлари орқали миллий менталитетимизга хос бўлмаган ғарбона ҳаёт тарзини тарғиб этувчи саёз ва жангари фильм, мультфильм, шоу дастур ҳамда видеороликларни томоша қилиш айрим ёшларнинг таълим-тарбияси, турмуш тарзи ва маданиятига салбий таъсир қилаётгани ҳеч биримиз учун сир эмас. Давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадларидан бири — ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, ақлан баркамол қилиб вояга етказиш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялашга кўмаклашишдан иборат экан, фарзандларимиз тарбияси учун барчамиз масъул бўлишимиз лозим.

## АНДИЖОН

ЎзМТДП Шаҳрихон туман Кенгаши томонидан мустақиллик йилларида қатор ютуқларни қўлга киритган ёшларни янада рағбатлантириш, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, қолаверса, ёшлар масаласида партия дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида "Ёшлар — юртимиз келажаги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни ЎзМТДП Шаҳрихон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси З.Ҳайдарова кириш сўзи билан очиб, қуйидагиларга тўхталиб ўтди:

— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Боиси юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, келажакда буюк ва ривожланган давлат сифатида танилиши жамиятнинг асосий бўғини бўлган ёшларимизнинг маънавий етук, билимли ва ҳар томонлама баркамол бўлиб камол топишига боғлиқдир. Партия ташкилотимиз томонидан ташкил этилаётган тадбирлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини Ватан тараққиётига хизмат қилишга йўналтириш, уларда юксак ахлоқий хусусиятлар — тўғрилик, ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат ҳиссини сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, Шаҳрихон туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Тегирмонбоши" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

## НАВОИЙ

Истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш, мамлакатимиз тарихини мукаммал ўрганиш, қадриятларимизни улуғлаш ва тарғиб қилишга катта аҳамият қаратилди. ЎзМТДП ҳам ўз дастури ва сайловолди Платформаси асосида жойларда мавзуга оид бир қатор тадбир ва давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Партия Навоий шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Тарих ҳақиқатлари: Ўзбекистон кеча ва бугун" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партия фаоллари, Навоий давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди", деган ибратли сўзлари замирида тарихимиз ва ватанимизга бўлган чексиз меҳр туйғуси акс этган, - деди давра суҳбатини очиб берган ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғ.Назаров. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш партиянинг ҳар бир фаоли зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Тадбир доирасида ватанимиз тарихини, буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни бус-бутунлигича келажак авлодга етказиш борасида партия ва институт ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида сўз юритилди.

**Ш.ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Олтин мерос

*Мамлакатимиз бағрида жаҳон тамаддунидан гувоҳлик берувчи, тарихнинг турли даврларига мансуб маданий мерос объектлари, археологик ёдгорликлар, қадимий шаҳарлар, қальалар қолдиқлари, аждодларимиз бунёд этган обидалар, тарихий-меъморий иморатлар, мадраса, масжиду миноралар, улуғвор арклар, ўтмишнинг ноёб мажмуалари — табаррук зиёратгоҳлар бор. Республикамизда мавжуд тўрт минг йиллик тарихга эга моддий-маънавий обидалар умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани сўзимизни тасдиқлайди. Юртимиз истиқлолга эришгач ушбу бебаҳо маданий меросимизни тиклаш, уни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.*

# Қайта қад кўтарган қадамжолар

## тарихимиз ва маданиятимиз кўзгуси

— Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 11 мингдан ортиқ маданий мерос объектларининг 3000 дан кўпроғини қадимий шаҳарлар, қальалар ташкил этади, - дейди Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ўринбосари, бош меъмор Абдусафе РАҲИМОВ. — Маданий меросларга тарихий жиҳатдан икки гуруҳга мансуб, деб қаралади. Шаҳарсозлик объектларининг биринчи гуруҳига Тупроққальа, Бойкент, Варахша, Қанқа, Шоҳрухия, Фаёзтепа, Кампиртепа, Кўктепа, Миздакхон каби ниҳоятда қадимий обидалар мансуб бўлиб, улар айни пайтда археологик мерос сифатида ўрганилаётган тарихий манбалардир. Иккинчи гуруҳга эса Самарқанд, Бухоро, Хива, Ҳазорасп, Шаҳрисабз, Нурота, Термиз, Марғилон, Тошкент каби шаҳарсозлик ҳаёти турғун кечган, ҳам донг таратган, ҳам қадимий, ҳам замонавий ҳисобланадиган шаҳарлар киради. Бу маданий мерос объектлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин археологик ва тарихий жиҳатдан халқаро миқёсда тадқиқ этилди. Жумладан, юртимиздаги 8 та шаҳарнинг бир неча минг йиллик тўйлари ўтказилди. Ушбу тўйлар халқаро миқёсда ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда нишонланди. Бу Ўзбекистоннинг дунё маданияти бешикларидан бири эканлигининг халқаро миқёсидаги эътирофидир. Афросиёб арки ва шаҳристон остидаги илк маданий қатламдан топилган ашёлар Самарқанднинг ёшини 2750 йилга тенглигини ва қитъамизнинг энг кекса шаҳарларидан бири эканлигини исботлади. Қарши шаҳри яқинидаги Еркўрғон харобаларидаги тадқиқотлар шаҳарнинг 2700 йиллик тарихидан дарак беради. Бухоро замини бағрида 3-4 минг йиллик тарихга эга бўлган Бойкент, Варахша, Ромуш, Вардона каби қальалар мавжуд. Бухоро шаҳри 2500 йиллик тарихга эга. Марғилонда узоқ йиллар давомида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида шаҳар остида 30 гектарлик қадимий қальа вайроналари топилди. У жойдаги ашёлар шаҳар ёшини 2000 йил, деб белгилашга асос бўлди. Шунингдек, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик, Хива, Термиз шаҳарларининг 2500 йиллик, Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи дунё миқёсида кенг нишонланди.

Қадимий шаҳарларимиз тўйини ўтказиш муносабати билан жойларда катта ҳажмдаги қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Айниқса, қадим шаҳарларимиз тарихи манбалар асосида чуқур ўрганилди. Қадимий иморатлар тарихи, қурилиши, безаклари, уларга ишлатилган ашёлар таркиби илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Бунинг натижасида ёдгорликларимиз асл ҳолидек қилиб қайта тикланди. Самарқанд шаҳридаги Регистон, Шоҳи Зинда мажмуалари, Амир Темур, Бибихоним, Оқсарой мақбаралари, Ҳазрати Хизр обод масканларга айланди. Шаҳрисабздаги "Дорус-Саодат", "Кўкгумбаз", Оқсарой, Чорсу мажмуалари ҳам тарихий қиёфасига монанд тарзда қад ростлади. Шаҳар ўрта асрларга хос қиёфа касб этди. Термизда Марказий Осиёда ягона бўлган Археология музейининг қурилиши, термизийлар қадамжолари, Султон Саодат мажмуасининг обод қилиниши, Марғилонда Саид Аҳмад мадрасаси, Пир Сиддиқ мажмуаси, Бурҳониддин Марғиноний чиллахонаси, Тошкентдаги Ҳазрати Имом, Шайх Ҳованди Тоҳур, Шайх Зайниддин, Кўкалдош каби тарихий объектларнинг тўлиқ таъмирланиши, Қарши, Хивадаги обидаларнинг қайта барпо этилиши шаҳарларнинг тарихий-меъморий қиёфасини янада бойитди. Хивадаги Ичанқальа шаҳристони, Бухородаги Арк мажмуасининг обод қилиниши аждодларимизнинг шаҳарсозлик маданиятидаги янги қирраларини намоён этди. Булар қадим тарихимиз билан бирга халқимизнинг бунёдкорлик, илму маърифат ва яратувчанлик салоҳиятини дунёга танитди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида асрлар давомида сақланиб келган маданий мерос объектларининг обод, гўзал, муҳташам тарихий масканларга айланиши нафақат жаҳон аҳли, балки халқимизнинг бой маданий меросимизга бўлган муносабатини ўзгартирди. Эндиликда қадим шаҳарларимиз, улардаги тарихий масканлар дунё аҳлининг нодир мероси, ноёб ёдгорликлари, ўтмишнинг бебаҳо бойликлари сифатида эъзозланмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти кейинги 20 йил ичида Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива тарихий шаҳарларини, ундаги нодир ёдгорликларни Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига киритди ҳамда уларни дунёдаги энг қадимий шаҳарлар дея эълон қилди. 2007 йил юртимиз маданий ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) Тошкент шаҳрини ўша йили "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилди. Республикамиз пойтахтини бундай шарафли номга сазовор бўлиши кўҳна обидалар, Ислом цивилизацияси ёдгорликларининг халқаро доирадаги эътирофи эди.

Юртимиз мустақилликка эришгунга қадар уларнинг сони 4-5 мингта деб ҳисобланар эди. Истиқлолдан кейин икки баробарга ортди. Бунинг сабаблари бор. Аввало мамлакатимиздаги барча тарихий иншоотлар, ёдгорликлар, маданий мерос объектлари тўлиқ рўйхатга олинди. Уларнинг қайси даврга оидлиги, қурилиш асослари, тарихи, меъморий ечимлари аниқланди. Тарихий қиймати белгиланди. Қолаверса, вақт ўтган сайин олис ўтмиш бағрида тупроқ остида кўмилиб ётган тарихий объектлар ўрганилди. Археологик қазишмалар маданий мерос объектлари сонининг ортиши, илмий тадқиқ этиш ва фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилди. Кейинги йилларда республикамизда 50 дан ортиқ қўшма археологик экспедициялар фаолият олиб бормоқда. Археологларимиз Франция, Япония, Германия, Австралия, Россия, Италия каби давлатлардан келган мутахассис ва қадимшунослар билан бирга иш олиб бормоқда. Ушбу қўшма археологик экспедициялар натижасида Сурхондарёда Қоратепа, Кампиртепа, Самарқандда Кўктепа, Қарнаб конлари, Добусқальа, Фарғонада Ахсикент, Қорақалпоғистонда Акчахонқальа, Тошхирмон, Бухорода Бойкент, Қашқадарёда Узунқир, Наманганда Мунчоқтепа каби қадимий шаҳарлар ўрни очиб ўрганилди. Улар бағридан минглаб ёдгорликлар, обидалар топилди. Бу археологик тадқиқотлар натижасида республикамизда нафақат маданий мерос объектлари сони ошди, балки тарихимиз қайтадан ўрганилди, юртимиз тарихи бир неча минг йилларга "кексайди".

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# Ёш иқтидорлар маскани

*Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда ёш авлоднинг истеъдодини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам мазкур ҳужжат асосида янгидан чирой очиб, моддий-техник базаси янада мустаҳкамланган таълим масканларидан бири. Бу ерда икки юзга яқин ўғил-қиз фортепьяно, торли чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик ва созандалик, тасвирий санъат каби 11 йўналишда мусиқа ва санъат сирларини эгалламоқда. 38 нафар малакали мутахассис яратилган замонавий шароит ва илғор таълим усуллари асосида уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга кўмаклашаётир.*

*Замонавий бинода жойлашган мактабда халқ амалий санъатига қизиқувчи ўқувчилар учун каштачилик ва зардўзлик йўналишларида ҳам машғулотлар ўтказилмоқда.*




*(ЎзА) олган сурат.*

Мутолаа

# Миллий ўзликни англаш

## ижтимоий фалсафий моҳияти




***Яқинда "Академия" нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ходими, сиёсий фанлар доктори Ваҳоб Кўчқоровнинг "Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт" номли китоби чоп этилди.***

Муаллиф китобда асосий эътиборни миллий ўзликни англаш масаласининг сиёсий жиҳатлари, негизи, моҳияти, маъно-мазмунини очишга қаратади, маълум маънода янгича ёндашишга ҳаракат қилади. Миллий ўзликни англаш масаласини ёритишда Президент Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" ғоясига таянади, унинг тарихий омиллари ва илдизларига эътибор қаратади. Миллий ўзликни англаш масаласига тарихий шахслар, уларнинг бой маданий мероси мисолида янгича қарашлар илгари сурилган.

Китобда тарихга методологик ёндашиш ва миллий ўзлигимизни шакллантириш масалаларига нисбатан янгича муносабатларни кузатиш мумкин. Шунингдек, жамиятни демократлаштириш ва ижтимоий ҳимоя каби жараёнларнинг миллий ўзликни англаш муаммосига таъсири масаласи ҳам атрофлича таҳлил этилган. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш тамойилнинг тўртинчиси - "кучли ижтимоий сиёсат"нинг моҳияти, мазмуни, афзаллиги, унинг миллий ўзликнинг шаклланиши билан боғлиқ жиҳатларига урғу берилган.

Китобда миллий ўзликни англаш, сиёсий маданият, ахлоқ, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги иштироки, ННТ фаолияти ва фуқаролар масъулияти масалалари билан ўзаро уйғунликда таҳлил қилинади ва буни китобнинг ютуқларидан бири, деб баҳолаш мумкин.

Миллий маданиятимизни шакллантириш ва ўзлигимизни англашда, айниқса, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Муаллиф оммавий ахборот воситаларини жамият ривожи ва ўзликни англаш жараёнидаги ўрнининг беқиёслигини таъкидлайди.

Китобнинг сўнгги уч бўлими демократик жараёнларда маънавиятнинг миллий ўзликни англаш ечимидаги аҳамияти, шунингдек, оила мустаҳкамлиги масалаларига қаратилган. Маънавиятнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган.

Муаллиф тадқиқотида олтмишдан ортиқ асосий ва қўшимча адабиётлар таҳлил қилинган, уларнинг аксариятидан тавсифий фойдаланилган, айримлари билан баҳсга киришилган.

Сиёсий фанлар доктори Ваҳоб Кўчқоровнинг "Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт" асарида бугунги кунда жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий фаоллик, демократик ўзгаришлар, бошқарувдаги инновация, сиёсий маданият, ахлоқ, фуқаролик институтларининг шаклланиши ва маънавиятимиз негизларига доир масалалар очиб берилган. Барқарор тараққиётимиз миллий ўзликни англашнинг асосий омилларидан бири сифатида талқин қилинади.

**Шокиржон АСҚАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси, доцент**

Таълим

# Коллеж битирувчилари

## иш излаб юрмайди

***Пастдарғом қурилиш технологиялари касб-ҳунар коллежи Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари орасида ўзига хос мавқега эга. Бу ерда ёшлар учун яратилган қулай шароитлар уларнинг касб сирларини пухта эгаллашлари ва чуқур билим олишларига замин ҳозирламоқда.***

Айни пайтда ўқувчилар севимли коллежларида пайвандлаш ишлари, тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, молиячи, қурилиш пардозлаш ишлари устаси, дурадгорлик, пол ётқизиш ишлари устаси, компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги каби халқ хўжалиги учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган соҳалар бўйича билим эгалламоқда. Уларнинг дарс ва машғулотларда олган билимларини амалиётда мустаҳкамлашга ҳаракат қилинаётганлиги эътиборлидир.

— Амалиёт талаба учун зарур жараён ҳисобланади, - дейди коллеж директори, техника фанлари номзоди, доцент Ғуломжон Шомирзаев. — Тажрибали педагогларимиз билим амалиётда мустаҳкамланади, дея бежиз таъкидлашмайди. Биз ҳам шу анъанани давом эттирган ҳолда, ёшларимизнинг амалиётларини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Бу борада соҳаларга қараб бир қатор ташкилотлар билан ўқувчилар амалиётини ташкил этиш бўйича шартномалар измоланди. Ўқувчилар амалиёт ўтайдиган барча корхоналар меҳнат муҳофазасига оид кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Ўқувчилар амалиёт олдидан ана шу хоналарда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ва ишлаб чиқаришга оид жиҳозлар билан яқиндан танишади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг "Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳасига кўра Германия техникавий ҳамкорлик жамияти (ГТЦ) томонидан таянч касб-ҳунар коллежларини танлаб олиш мақсадида республикамиздаги 30 та касб-ҳунар коллежлари фаолияти таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, Пастдарғом қурилиш технологиялари коллежи республикада таянч коллеж, дея эътироф этилди. Германия техникавий ҳамкорлик жамияти (ГТЦ) лойиҳаси кординатори Ре Пауль коллежга ташриф буюриб, директорнинг иш фаолияти, ўқувчилар салоҳияти, маҳаллий иш берувчилар ва ижтимоий ҳамкорлик алоқаларига юқори баҳо берди. Коллеж жамоаси ушбу лойиҳанинг натижаси сифатида 291 миллион сўмлик 18 та дастгоҳни қўлга киритди. Коллежнинг ишлаб чиқариш бўйича бош устаси Исроил Чоркашев Германияда сафарда бўлиб, таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор технологияларини жорий этиш бўйича малака ошириб қайтди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Фаолият

# Мақсадимиз — юрт ободлигига ҳисса қўшиш

***Мамлакатимиз ўз тараққиёти йўлида изчил ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалаётир. Бу ўсиш ва муваффақиятлар одамлар ҳаётида, ишга, касби-корига бўлган муносабатида ўз ифодасини топмоқда. Юртимизга, хусусан, қадим Хоразмга келаётган хорижлик сайёҳлар ҳам бу ўзгаришларга ўзгача ҳайрату ҳавас билан боқмоқдалар. Кундан-кунга ўзгариб бораётган шаҳримиз жамолидан юртдошларимиз хурсанд. Бундай хайрли ишларни амалга оширилишида улар ҳам белни маҳкам боғлаган ҳолда ишга киришишган.***

Маълумки, бугунги кунда Хоразм воҳаси улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Юртбошимиз раҳнамолигида вилоятнинг саноат салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, туризмни ривожлантиришга қаратилган дастурлар асосида қурилиш, ободонлаштириш тадбирлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 декабрдаги "Урганч шаҳрини 2013-2017 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфротузилма инженерлик коммуникация тармоқларини такомиллаштириш ҳамда ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорига асосан 2013 йилда Хоразм вилоятида жами 18,2 миллиард сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. "Шимолгазтаъминот" унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ушбу дастур ижросини таъминлашга алоҳида масъулият билан қаралмоқда. Урганч шаҳрида газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, кўчириш ва янгидан қуриш учун жами 12,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Ушбу режа асосида 2013 йилнинг биринчи чорагида 8,4 км. газ қувури янгидан тортилиб, 3,9 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Айни кунда Урганч шаҳридаги мавжуд газ қувурлари бўялиб, тақсимлаш қурилмалари техник тафтишдан ўтказилди ҳамда юқори ва ўрта босимли газ қувурлари ҳаво босими остида синалди. Шаҳарга 21,5 км. пўлат газ қувурлари келтирилди. Йил охиригача яна 20 км. газ қувурлари келтирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, вилоятнинг Хива, Боғот, Янгиариқ туманларида газ қувурларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, Янгибозор туманида ЛУПИНГ газ қувурини ётқизиш ишлари бажарилмоқда.

Ҳозирги кунгача Урганч шаҳрининг 8 та маҳалласида мавжуд газ қувурлари мукаммал таъмирланиб, реконструкция қилинди. Ички қисмлари ҳаво ёрдамида тозаланиб, бўялди. 101 дона газ тақсимлаш қурилмалари, 300 дона зулфин ва жумраклар техник тафтишдан ўтказилиб, эскирганлари янгисига алмаштирилди. Ҳозирдан қишки мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди.

Юқорида белгиланган газ қувурини қуриш ва мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш натижасида келгусида Урганч шаҳрини ривожлантириш дастури бўйича 50 000 та хонадон ҳамда ижтимоий соҳа объектлари, саноат корхоналари, туманлардаги дастур асосидаги ишларни амалга ошириш натижасида туман марказларини доимий равишда узлуксиз табиий газ билан таъминлаш имкони яратилади.

Вилоятнинг Гурлан, Ҳонқа, Ҳазорасп туманларидан газ тўлдириш пунктлари, Шовот туманида эса газ тўлдириш станцияси қуриш режалаштирилди ва 21 та сервис марказлари таъмирланиб, шай ҳолатга келтирилди. Хоразм вилоят газ бошқармасига газ баллон ташиш учун "ИСУЗУ", "ДАМАС" автомашиналари, "ЭЛДОШ" мотоцикли ҳамда "Экскаватор" каби техникалар олиб келинди.

Вилоятнинг чекка ҳудудларидаги табиий газ босими паст хонадонларни узлуксиз кафолатли иссиқлик энергияси ва суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг январ-март ойларида компания томонидан 5000 та маиший баллонлар етказиб берилди. Йил охиригача яна шундай 40000 та баллон келтириш режалаштирилган.

Хоразм вилояти аҳолисига 170,6 минг тонна кўмир ёқилғиси етказиб берилиши лозим. Шундан 80 минг тоннаси брикет, 90 минг тоннасини эса кўмир ташкил қилади. Келгусида шаҳардаги "Саноатчилар" кўчасида жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигига тегишли ер майдонида Брикет фабрикаси барпо этилади. Унинг йиллик қуввати 140 минг тоннага тенг.

Дастурда белгиланган ишларни амалга ошириш жараёнида Хоразм вилоят газ бошқармасининг шаҳар ва туман газ филиалларида касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун яна қўшимча 475 та янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, яқинда Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш дастури тўғрисида"-ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Хива шаҳрида, хусусан, Ичанқальада истеъмолчиларга газ етказиб беришни янада яхшилаш, газ қувурларини янгилаш, қайта таъмирлаш юзасидан чора-тадбирлар бошлаб юборилди.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишдан кўзлаган мақсад, юртдошларимизнинг яшаш ва ишлаш шароитларини янада яхшилаш, юрт ободлиги, турмуш фаровонлигига ҳисса қўшишдир.

**Баҳодир БЕКЧАНОВ,**
**"Шимолгазтаъминот" УК Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати**

Реклама ўрнида



## “СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ОАЖ ЖАМОАСИ

*Уруш ва меҳнат фахрийларини, отахону онахонларимизни*

# *Хотира ва қадрлаш куни*

*билан чин қалбдан қутлайди!*

## “МУРУВВАТ ЗАРАФШОН” МЧЖ жамоаси

Барча юртдошларимизни,

*9 май – Хотира ва қадрлаш куни*

билан табриклайди.

Хонадонингиз тинч, кўнглингиз хотиржам, бағрингиз бутун бўлсин!

Обод турмуш йилида дилларимизни қувонч, хуш дамлар тарк этмасин.



## НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “151-СОНЛИ ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ПОЕЗДИ” МЧЖ ҚУРУВЧИ ВА ИШЧИ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини*

# ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан самимий қутлайди.

*Хотираси азиз, қадри муқаддас бўлган бугунги дориломон кунларимиз учун жон фидо қилган отахону онахонларимизнинг манонат ва жасорати олдида бош эгамиз.*



*9 май Хотира ва қадрлаш куни*

муносабати билан барча ватандошларимизни самимий муборакбод этади!



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Эълон

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2013 йил 13 июнь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган «3-SON TRAMVAY TROLLEYBUS DEPOSI» ДУК балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/174НСА, бошланғич нархи 6 590 700 сўм бўлган «ГАЗ-3102-311» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар накд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур ускуналар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 25 апрель куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, «СУВГЕО» Тош ИТИ балансидаги д/р 01/538МСА бўлган «М-2140» — 1 100 000 сўмга; ««YO‘LOVCHITRANSSERVIS» ягона хўжалик ҳисобидаги маркази» балансидаги д/р 01/556GBA бўлган «ГАЗ-3102» — 8 100 000 сўмга; «MODDIY-TEXNIK TA’MINOT BOSHQARMASI» ДК балансидаги д/р 01/253ТВА бўлган «ГАЗ-310200» — 2 900 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

**Бизнинг шарҳ**

# Сохта гўштлар

**Европада от гўшти можароси ҳал этилмай туриб, Хитойда навбатдаги озиқ-овқат муаммоси бошланди**

***Хитойда тулки ва каламуш гўштлари мол ва қўй гўшти сифатида сотилган. Олиб борилган текширувлар натижасида ўтган икки ой мобайнида 400 дан ортиқ жиноий ишлар аниқланиб, 20 минг тонна ноқонуний маҳсулотлар мусодара этилган. Натижада 2010 йилдан буён шубҳа остидаги маҳсулот ишлаб чиқарилишида иштирок этган қарийб минг киши ҳибсга олинган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Хитойда мазкур текширувлар Европада шу йилнинг февраль ойидаги от гўшти можаросидан сўнг бошланган.***





Терговчиларнинг айтишича, “бизнесменлар” тулки ва каламуш гўштини мол ва қўй гўшти кўринишига келтириш учун хавфли кимёвий моддалардан фойдаланиб, талабга жавоб бермайдиган ерларда узоқ муддат сақлашган. Мазкур ишдан кўрилган фойда қарийб икки миллион долларга тенг. Ҳозирча бундай гўшт истеъмолидан зарар кўрганлар ҳақида хабарлар йўқ. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига кўра, мазкур бизнес 2009 йилдан буён давом этиб келган. Жиноятчилар каламуш ва тулки гўштини Шаньдун провинциясидан сотиб олишган, уларга ранг берувчи моддалар, туз ва бошқа кимёвий моддаларни қўшиб, Шанхай, Цзянсу ва Гуанжоу каби қарийб 120 миллион нафар аҳоли истиқомат қилаётган вилоятларда арзон нархларда сотишган.

Мамлакатда тулки ва каламуш гўштининг мол гўшти сифатида сотилаётгани нафақат хитойликларни, балки жаҳон ҳамжамиятини ҳам ташвишга солган. БМТнинг Озиқ-овқат стандартларини назорат қилиш агентлиги мутахассисларининг фикрича, Хитой ҳукумати мазкур муаммони зудлик билан ҳал этиш ва аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабларини пасайтирмаслик чораларини кўриши зарур. Акс ҳолда бу ҳолат дунё озиқ-овқат истеъмолига салбий таъсир этиши мумкин.

Маълумотларга кўра, бир йилда дунё бўйича 53-54 миллион тонна гўшт етиштирилади, аҳоли жон бошига эса 33,2 кг.дан тўғри келади. Европада бу кўрсаткич 83,5 килони ташкил этса, иккинчи ўринда 29,4 килограмм билан Хитой турибди. Кўриниб турибдики, мамлакатда мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёж юқори. Шу жиҳатдан энг кўп аҳолига эга мамлакатда бундай ноқонуний ҳаракатларни томир отишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мутахассислар кийим-кечакдан тортиб, қошиқ-вилкагача экспорт қиладиган мамлакатнинг тадбиркорлари фойда орқасидан қувиб, гўшт маҳсулотларини ҳам хорижга сотмаслигига кафолат бериш қийин. Масалан, шу йилнинг апрель ойида Россия қишлоқ хўжалиги назорати томонидан қимматбаҳо қизил балиқ сифатида қадоқланган арзон балиқнинг катта партияси қўлга олинган. Ташкилот раҳбари ўринбосари Алексей Алексенконинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, мазкур сохта маҳсулотлар Хитойда ишлаб чиқарилгани аниқланган.

Дарҳақиқат, инсониятнинг энг кўп истеъмолларидан бири гўшт маҳсулотлари саналади. Ҳаммамиз ҳам алоҳида мол ёки қўй гўштлари етиштириш имконига эга эмасмиз. Бу борада истеъмолчи тадбиркорларга таянади ва улар томонидан расталарга қўйилаётган маҳсулотлар — гўшт, колбаса, сосиска, тушёнка ва бошқа маҳсулотлар айнан этикеткада ёзилганидек тўғри экани, соғликка зарар етказмаслигига ишонади. Аммо Хитойдай улкан тадбиркорлик муҳити кенг ривожланган мамлакатда тулки ва каламуш гўштининг жуда катта миқдорда сотилгани ҳақиқатан ташвишланарли ҳолат. Хитой истеъмол хавфсизлиги вазирлиги маълумотига кўра, ўлган жониворлар гўштини истеъмолга чиқариш, каламуш гўштини қўй гўшти, деб сотиш ва гўшт вазнини сув билан оғирлаштириш гуруҳнинг энг оғир жиноятлари қаторида саналмоқда.

Эсингизда бўлса керак: шу йилнинг февраль ойида ҳам Европада шунга ўхшаш вазият кузатилганди. 15 февраль куни Буюк Британияда озиқ-овқат истеъмоли борасида бошланган баҳс-мунозаралар бутун Европа бўйлаб тарқалиб, қитъанинг йигирмадан ортиқ мамлакатида мол гўшти ниқоби остида от гўшти сотилган. Гарчи от гўшти инсон соғлигига зарар етказмаса ҳам истеъмолчилар ҳуқуқлари поймол қилинганидан шикоят қилишган. Қарийб уч ойдирки, бу борадаги муаммо тўла бартараф этилгани йўқ. Бугун Хитойдаги вазият ҳам шунга ўхшаш, аммо унда от эмас, балки тулки ва каламуш гўшти аралашган! Сўнгги хабарларга қараганда, айни пайтда нафақат Шанхай ҳамда Цзянсу вилоятларида балки, пойтахт Пекинда ҳам гўшт маҳсулотларига талаб тушиб кетган. Гарчи мазкур маҳсулотлар инсон соғлигига қай даража таъсир этиши борасида хитойлик мутахассислар маълумот тарқатмаган бўлса-да, соҳа ходимлари бундай маҳсулотлар истеъмол учун бутунлай яроқсиз бўлиб, ошқозон ости бези саратони касаллиги, юрак хасталиклари, қон босимининг ошишига олиб келишини таъкидлашган.

Айни пайтда махсус эксперт гуруҳ ва ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан мамлакатда “тозалаш” ишлари бошлаб юборилган. Барча савдо расталари, магазинлардаги гўшт маҳсулотлари қаттиқ текширувдан ўтказилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, аҳоли кўп, маҳсулот истеъмоли ҳам юқорилиги ҳисобга олинса, Хитойда текширув ишлари бир неча ойга чўзилиши мумкин. Қолаверса, айни пайтда Хитой расмийлари четдан импорт қилинаётган гўшт маҳсулотларини ҳам жиддий назорат остига олган. Бу борада Австралия асосий ўрин тутади. Зеро, мазкур давлат Чинга энг кўп гўшт маҳсулотлари етказиб берувчи давлатлар сирасига киради. Биргина 2012 йилнинг сентябрь ойида мол гўшти экспорти 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 366 фоиз ўсиб, 10 ойда экспорт ҳажми 9746 тоннани ташкил этган.

Хитойда ноанъанавий гўшт турларини истеъмол қилиш табиий ҳол. Йил бошида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида бахтли тасодиф туфайли юзлаб мушуклар ҳаёти сақлаб қолинган. Гап шундаки, улар ресторанлардан бирига гўшт маҳсулоти сифатида олиб кетилаётган бўлган. Мамлакатда мушук нархи килосига 3 доллардан баҳоланади. Шу сабабли айрим хитойликлар мушукларни кўпайтиришни бизнесга айлантириб олган. Эндиликда ҳуқуқ-тартибот органларининг кейинги нишони сифатсиз сут маҳсулотларига қаратилган. Таъкидланишича, бу соҳада ҳам қаллоблик тобора авж олмоқда.

**Беҳзод ИСКАНДАР**

**● Хитойда истеъмол маҳсулотлари хавфсизлиги 2008 йилдан буён янада долзарб аҳамият касб этган. Ўша йили таркибида меламин моддаси бўлган сутдан болалар оммавий заҳарланган. Аниқланишича, уларнинг таркибига крахмал, қайта ишланган маиший чиқиндилар ва ўсимлик ёғлари қўшилган.**

**● Сайёрамизда мол ва бузоқ гўштлари энг кўп экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлардан саналади. Австралия ва Янги Зеландия (дунёда қарийб 25 фоиз маҳсулот етказиб берувчи), Бразилия, Аргентина, Уругвай, Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШ энг кўп экспорт қилувчи давлатлар ҳисобланса, Япония, Корея Республикаси, Эрон ва Миср импорт қилувчилар сирасига киради.**

**● Жорий йилда Европа Иттифоқида сотувга чиқарилган барча мол гўшти маҳсулотларининг қарийб 10 фоизида от гўшти ДНКси борлиги аниқланган.**

**Рангин дунё**

# Тоғ бағридаги улкан лифт

***Улкан тоғ чўққисига лифтда кўтарилишни тасаввур қилинг-а. Бундай бўлиши мумкин эмас дерсиз? Демак, сиз Чжанцзяцзе миллий боғидаги Улинъюань (Хунань провинцияси, Хитой) тоғ тизмалари ҳақида эшитмаган кўринасиз.***

Чжанцзяце — Хитойдаги энг кўҳна миллий боғлардан биридир. 1982 йили очилган боғ орадан ўн йил ўтгач, ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатидан ўрин эгаллади. Бу ернинг табиати ниҳоятда сўлим бўлиб, табиий ҳайвонот боғи, ботаника ва геология қўриқхоналарини ўзида бирлаштирган. Шунингдек, маскан баландлиги 800 метрга тенг кварц қоялари билан ҳам дунёга машҳур. Улинъюандаги энг баланд чўққи денгиз сатҳидан 3 километр баландликда жойлашган. Тоғ тизмалари ва қояларнинг ҳар бири антиқа кўринишга эга. Айниқса, тропик ўрмон остидаги улкан тош устунлар, қирраси ўткир чўққилар, шаршара ва бир-бирига уланган ғору унгурлар ҳар қандай кишини ўзига ром айлайди. Тоғ бағридаги улкан лифт ёки Юз аждарҳо лифти мазкур табиат гўзалликларидан тўла-тўкис баҳра олиш имконини беради.

Дунёдаги энг баланд кўтарма мосламанинг қурилиши 1999 йили бошлаган. 330 метр баландликка кўтарила олиш хусусиятига эга лифт 2002 йили қуриб бўлинади. Бироқ, хавфсизлик нуқтаи назаридан кўтарма мослама бир йил давомида умуман хизмат кўрсатмайди. Лифт 2003 йили тўлиқ ишга туширилади. Бу орада мутахассислар лифтни тўлиқ текширув ва синовлардан ўтказиб, зарур чора-тадбирларни қўллайди. Шундан сўнг, ҳар бири 3750 килограмм юкни кўтара оладиган учта лифт фойдаланишга топширилган. Ойнаванд лифтлар икки қаватли кабинадан иборат бўлиб, 50 кишини (соатига 1380 киши) бемалол кўтара олади.

Юз аждарҳо ёхуд Байлонг лифтининг қурилишига энг аввало, экологчилар тиш-тирноғи билан қаршилик қилишган. Улар темир лифт табиат ҳуснини бузибгина қолмай, қўриқхона ҳудудининг қоқ марказида бунёд этилаётганидан норози эди. Экологларнинг норозилигига қарамай, тоғ бағрида лифт қуриш ғояси тасдиқдан ўтади. Кўтарма мосламанинг инфратузилмасини таъминлаш мақсадида мутахассислар қизил қум қоясида шахта ва тунеллар ҳосил қилишади. Мазкур тоғ ости йўллар биринчи галда табиий офат чоғида одамларни эвакуация қилишни янада осонлаштириши кўзда тутилган. Лифтларнинг ойнавандлиги эса тоғ манзаралари, энг баланд қирлардагина ўсадиган наботот оламини томоша қилиш имконини беради.



Ҳозирда Хунань провинциясига ташриф буюраётган сайёҳларнинг аксарияти Байлонг лифтини кўриш, энг баланд чўққига у орқали кўтарилишни истайди. Ахир, лифт орқали 3 соатлик йўлни атиги 1 дақиқа ичида босиб ўтиш мумкин-да. Ҳар йили Байлонг лифти жойлашган ҳудудга 5 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюради. Уларнинг таъкидлашича, ноёб кварц устунларни яёв чиқиб эмас, лифтдан туриб томоша қилишнинг завқи бошқача экан. Бундан ташқари, тоғ бағридаги кўтарма мослама барча хавфсизлик талабларига жавоб беради. Лифт қурилганидан буён табиатга етказилаётган зарарнинг нисбатан камайгани кузатилмоқда. Чунки, авваллари чўққига ҳар ким ўзича чиқиб, кварц қояларнинг ўпирилишига сабаб бўлган.

Тоғ бағридаги лифт сайёҳ учун ҳар томонлама қулай, бироқ унда исталган маҳал сайр қилиб бўлмайди. Масалан, об-ҳаво ноқулай келиб қолса ёки бирор табиий офат юз бериш эҳтимоли бўлганда лифт ёпиб қўйилади. Байлонг лифти ҳақиқий маънода тоғ бағрида жойлашган. Негаки, унинг учдан бир қисми тоғ ичида бўлса, қолган энг катта қисми ташқарига қараган. Лифт олиб борадиган сўнгги манзил - томоша майдонидир. Айнан шу ердан туриб, сайёҳлар табиат гўзалликларидан истаганча баҳра олиши, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишлари мумкин. Қолаверса, юз аждарҳо лифти кучли ҳиссиёт ва саргузашт ишқибозларини ҳам бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Инсон ақлу тафаккурининг сарҳадлари чексиз. Байлонг лифти ҳам инсон қўли, ақлий салоҳияти маҳсулидир. Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган ушбу иншоот ҳозирда дунёдаги энг тезкор ва юқори қувватга эга йўловчи ташиш лифти мақомини сақлаб келмоқда. Бундай лифтлар дунёда саноқли бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам чўққи бўйлаб кўтарилиш хусусиятига эга эмас.

**Зафар МУҲАММАД**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ноқонуний қурилиш оқибатлари

**Бангладеш пойтахти Даккада бино қулаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 600 нафарга етган.**



Маҳаллий полиция ходимларининг фикрича, вайроналар остидан кўплаб инсонлар қолиб кетган. Қутқарув ишлари натижасида жасадлар олиб чиқилмоқда, аммо уларнинг шахсини аниқлаш қийин кечмоқда. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 24 апрель куни саккиз қаватли Рана Плаза номли фабрика биноси қулаган. Бу ҳолат содир бўлган бошқа бинолардаги ишчиларни ҳам саросимага солмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бино қулашига генераторларнинг силжиши ёки уларни нотўғри жойлаштирилгани, фабрикадаги жиҳозлардан ноқунуний фойдаланганлик оқибатида келиб чиққан бўлиши мумкин. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, бинонинг қурилишида сифатсиз арматуралар ҳамда бошқа қурилиш ашёларидан ҳам фойданилган. Оқибатда улар катта кучга дош бера олмаган.

Бинода қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

## Зарар қопланиши қийин

**Техасдаги суғурта компанияси зарарларни қоплай олмайди.**



“West Fertilizer” суғурта компанияси 17 апрель куни ўғит ишлаб чиқариш компаниясида портлаш зарарлардан юз баравар паст нархларда ёрдам кўрсатишини маълум қилган. Завод бундан бир неча йил муқаддам бор-йўғи 1 млн. долларга суғурта қилинган. Портлаш натижасида эса кўрилган зарар 100 млн. доллардан ошган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу завод 2006 йил хавфсизлик чораларини кўрмагани боис 2300 доллар жарима тўлаган. Эндиликда зарар ўрнини қоплаш учун маҳаллий аҳолига жарима тўлаши ва ўзини банкрот деб эълон қилши лозим, деган фикрлар билдирилмоқда. Эслатиб ўтамиз, портлаш оқибатида 14 киши ҳалок бўлиб, 200 дан зиёд киши тан жароҳати олган.

## ...Соғ бўлинг!

**Олимлар томонидан ишлаб чиқилган поллиноз — аллергик касалликларга қарши вакцина яхши самара бермоқда.**



Препарат ёрдамида чанг ва ўсимликлар таъсирида аллергияси қўзғайдиган беморлар акса уриш ва йўталдан халос бўлишмоқда. Лондон қироллик коллежи ходимлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур вакцина бошқа дориларга нисбатан арзон ва самарали экани билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, аллергияси бор беморлар препаратни қўллаганда аввалгидек йиллар давомида эмас, балки қисқа фурсатда бу ёқимсиз балодан бутунлай қутилиш имконига эга бўлади.

## Қасрга дарз кетмоқда

**Қримдаги қадимий обидалардан бири «Қалдирғоч уяси» саройи қулаш арафасида турибди.**



Мутахассислар томонидан ўтказилган текширувлардан аниқланишича, узоқ тарихга эга мазкур қасрнинг бетон пойдевори дарз кетган. Неча йиллардан буён сайёҳларни ўзига оҳанграбодек жалб этиб келаётган бу бино аввал ҳам таъмирланган, аммо вақт ўтган сари яна шу аҳволга тушган.

## Янги аср тадқиқоти

**АҚШлик олимлар ҳайдовчисиз автомобилларни бошқариш тизими устида иш олиб бормоқда.**



Тадқиқотдан асосий мақсад электрон бошқарув тизимига эга автомобиллар оммавий равишда жорий этилгач, уларда юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишдан иборат. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, бунинг учун автомобиль ҳаракатига оид барча маълумотни тўплайдиган янги қурилма яратиш зарур. Мутахассисларнинг айтишича, йўлларда ҳайдовчисиз машиналар пайдо бўлганидан кейин ушбу янги технологиянинг аҳамияти янада ортади. Боиси, ҳайдовчисиз автомобиль ҳалокати сабабларини фақат шундай қурилма ёрдамида аниқлаш мумкин.

## Марафонда югуриш натижаси

**Европалик олимларнинг фикрича, спорт билан мунтазам шуғулланиш инсон организмини қаришдан асрайди.**



Хабарларга қараганда, жисмоний ҳаракат натижасида организмдаги тўқималар ҳаракатланиши жараёни фаоллашади. Олимлар марафон югуриши билан доимий тарзда шуғулланувчи бир неча кишида қон таҳлилини ўтказган. Текширув натижасига кўра, улар қонидаги генетик мувозанат ўзгариб, тўқималар емирилишига сабаб бўлувчи апоптоза фаолияти сусайган.

*Хориж хабарлари асосида*
*Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади*

*Илк бор бундан олти йил аввал қадим Қашқадарёнинг Китоб кенгликларидан йўлга чиққан “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали карвони карнай-сурнай садолари остида 2013 йил халқимизнинг ўзига хос миллий этник белгиларини сақлаб келаётган Сармишсой дарасига етиб келди.*



# Асрий анъаналарнинг замонавий қиёфаси

## Сармишсой узра яққол акс этди





(ЎзА) олган суратлар.

3 май куни Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича тезюрар “Шарқ” поездига ўтирган меҳмонлар кун пешиндан оғганда Навоий шаҳрига кириб келишди. Тўғриси, шу куни ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин намунасини “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК мисолида кўришга муваффақ бўлдик. Поезддаги шарт-шароитлар, кузатувчиларнинг муомаласи барчага бирдек маъқул бўлди. Йўл-йўлакай кўплаб хорижлик сайёҳлар билан суҳбатлашиш имконига эга бўлдик. Улар юртимиз ҳақида илиқ фикрларни билдиришди. Айниқса, Латвия давлатидан айнан “Асрлар садоси” фестивалининг довруғини эшитиб, мамлакатимизга ташриф буюраётган опа-сингил Дита ва Илюта Лацеларнинг ҳозирдан таассуротлари чексиз. Ҳазил-мутойиба, ўйин-кулгу билан манзилга ҳам эсон-омон етиб келдик. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган “Исузи” автобусларида кузатувчилар ҳамроҳлигида анчадан буён кўпчиликнинг ҳаловатини ўғирлаган Сармишсой дараси томон йўлга чиқдик. Ота-боболаримиз биз босиб ўтган масофага етиб келишлари учун қанча азоб, машаққат чекканлари кўз олдимга келди. Худди назаримда, карвон туялар қўнғироқларини жаранглатиб, минг йиллар қаъридан бизга ҳамроҳлик қилаётгандек. Бу йўллардан минг йилликларнинг садоси эшитилди. Ўша машҳур Сармишсой дарасига етиб келганимизда бу ердаги манзара барчамизни ҳайратга солди. Гўё бундан бир неча асрлар ортга қайтгандек сездик ўзимизни. Ўтовлар, бозор расталари, карвонсаройлар — барча-барчаси қизиқишимизни минг чандон оширди. Ўтмиш ва келажакнинг бир дарада учрашуви иштирокчиларда ўзгача ҳайрат ва шижоат уйғотишига ишондик.

Катта санъат анжуманининг биринчи куни қадим Сармишсой дарасидаги халқ сайиллари фольклор жамоаларнинг чиқишларига уланиб кетди. Безакли амалий санъат ярмаркаси эса кўпчиликда қизиқиш уйғотди. “Кураш”, “Хўроз уриштириш” каби миллий ўйинларимиз фестивалга янада завқ-шавқ бағишлади. Жўшқин маданият байрамига мезбонлик қилаётган Сармишсойга дунёнинг турли бурчакларидан халқ ижодиётининг жозибасига маҳлиё бўлган сайёҳлар, тарихчию олимлар кўчиб келгандек. Шу билан бирга, юртимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари, таниқли санъат арбоблари, тадқиқотчилар ҳам ҳозиру нозир бўлишди. Аслида ушбу масканни нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё ҳудудидаги энг қадимий санъат галереясига қиёслаш мумкин. Очиқ осмон остидаги музей сифатида эътироф этиладиган Сармишсой қояларида сақланиб қолган ноёб тош чизгиларни томоша қиларкансиз, мамлакатимиз жаҳон цивилизацияси ривожида ўз ўрнига эга бўлган энг қадимий маданият бешикларидан бири эканлигига амин бўласиз.

**Сармишсой.** Бугун бу тарихий маскан ўтмиш ва келажакни бир жойда туташтирувчи кўприк воситасини ўтамоқда, десак янглишмаймиз. Шу куни дилтортар, жозибали наволар дара узра янгради. Унинг жаранги бутун юртимиз бўйлаб акс-садо бергандек. Устаю ҳунармандларнинг ижод намуналаридан таралаётган тафт кўнгилларга иликлик олиб кирди. Фестивалга ташриф буюрганлар ўзларини гўё минг йилликлар деворлари оша тарихнинг сирли дарасига тушиб қолгандек ҳис қилдилар.

***Винни СИН, “RAFFLESIA” — Маржонлар маркази директори (Малайзия):***

— Мен Ўзбекистонга келишни кўпдан бери орзу қилардим. Сармишсойнинг табиати, миллий таомлар, одамлардаги кайфият ва хушмуомалалик менда катта таассурот уйғотди. Тошкент, Бухоро каби шаҳарларни томоша қилиб, у ердаги тарихий ёдгорликлар билан танишиб, халқингизнинг шаҳарсозлик бўйича жуда катта ва бой тажрибага эга эканлигига амин бўлдим. Барча тарихий обидалар ноёб маданият намунасидир. Бугунги бетакрор маданият анжумани бир умр хотирамда сақланиб қолади.

“Асрлар садоси” — асрий анъаналарнинг замонавий қиёфаси! Олим, санъатшунос, мутахассис ва хорижлик меҳмонлар бежиз фестивалга шундай нисбат беришмади.

Ҳар йили ўтказилиб келинаётган ушбу кенг қамровли лойиҳа халқимизнинг анъана ва удумлари, тарихи, амалий санъати, халқ оғзаки ижоди ва миллий ошхонасининг ўзига хос, турли-туман ва бетакрор эканлигини намойиш этиб келмоқда. Фестивалнинг илк куни тушдан сўнг қадим Бухородаги “Гранд — Бухоро” меҳмонхонасида ўтказилган “Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро анжуман бунинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, Фонд Форум томонидан “Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива ва Қорақалпоғистон архитектура эпиграфикаси” мавзуларида нашр этилган олтита китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Тадбирда Франция, Италия, Канада каби давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар қатори ЮНЕСКО мутахассислари, олиму ижодкорлар, давлат ва жамоат арбоблари, мамлакатимиз ва хорижий ОАВ ходимлари иштирок этишди. Унда ҳудудларнинг кечаги ва бугунги қиёфаси ҳақида батафсил сўз юритилди. Ўзига хос маданий ва маънавий меросимиз, меъморий обидалардаги битиклар, бугунги ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгариш ва янгиликларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Дастлаб, Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий обидаларда акс этган дурдона битиклар мавзусига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Йиғилганларга нашр этилган китобларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида таништирилди.

***Шани МУСТАФАЕВ, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори:***

— Ўзбекистон ўз маданий тарихига эга бўлган қадимий юрт ҳисобланади. Унинг ўрганилмаган саҳифалари, ўзига хос моддий ва номоддий бойликлари жуда кўп. Биз Ўзбекистон билан анчадан буён ҳамкорлик қилиб келамиз. Кўплаб муваффақиятларга эришдик. Бугунги анжуман ва китоблар тақдимоти эса шу соҳадаги дастлабки қадамимиздир. Ҳали ҳеч қайси давлатда архитектура эпиграфикаси ҳақида китоб чоп этилмаган. Бундай ўзига хос ютуқни жаҳон маданий ҳаётидаги катта воқеа дейиш мумкин. Қисқа фурсатда бундай катта китобларни чоп этишнинг ўзи бўлмайди. Мазкур китобларни соҳа мутахассислари, илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилар, умуман, меъморий обидалар тарихига қизиқувчилар учун ғоят керакли асар дейиш мумкин. Фонд Форумнинг бундай лойиҳаларини биз доимо қўллаб-қувватлаймиз.

5 йилдан буён Ўзбекистонга келиб тураман. Нурота, Ат-Термизий, Имом Бухорий каби тарихий обидаларнинг қайта таъмирланганлигини кўрдим. Бу соҳада юртингиз жуда катта бой тажрибага эга ҳисобланади. Барча ижодкорларни бугунги ютуқлари билан табриклайман.

***Салима ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди:***

— “Асрлар садоси” фестивалнинг илмий-амалий жиҳати иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳудуднинг археологик топилмалари, санъати, ноёб маданияти ва сир-асрорлари хорижлик меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмади. Биз Фарғона водийсидаги тарихий обидалар ва улардаги ёзувлар устида изланишлар олиб бордик. Кўпчилик водийда тарихий обидалар йўқ, деб ўйлашади. Аслида ундай эмас экан. Наманган, Андижон вилоятларида кўплаб обидаларни аниқладик. Улар билан боғлиқ чалкаш маълумотларга аниқликлар киритдик. Келгусида бундай изланишларни давом эттирамиз.

Бухорога оқшом чўкди. Тарихий ва замонавий бинолар тунги чироқларда янада жилвакор ва гўзал кўриниш касб этди. Хорижлик меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, ОАВ ходимлари жамланиб Баҳоуддин Нақшбандий мажмуаси томон йўлга чиқдик. У ерда “Меҳр нури” хайрия жамғармаси томонидан қайта қурилган ва таъмирланган “Биби Орифа” мақбарасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир “Меҳр нури” жамғармаси ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Мазкур мажмуа Нақшбандия тариқати асосчиси, сўфийлик таълимоти муаллими Баҳоуддин Нақшбандийнинг волидаи муҳтарамасига бағишлаб қурилган. Йиллар ўтиши билан таъмирталаб бўлиб қолган мажмуанинг масжид, мақбара ва ҳовуз қисмлари “Меҳр нури” жамоатчилик Кенгаши раиси Гулнора Каримова ташаббуси билан қайтадан қурилиб, таъмирланди. 2012 йилда бошланган қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, мажмуа атрофида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Турфа алвон гуллар, мевали ва манзарали кўчатлар атрофга янада гўзаллик бағишлади. Очилиш маросимида сўзга чиққанлар, ташаббус ташкилотчиларига, таъмирлашда иштирок этган уста-ҳунармандларга ўз миннатдорликларини билдиришди.

2005 йилдан бошлаб юртимизда “Меҳр нури” жамғармаси томонидан бой маънавий меросни сақлаб қолиш, тарихий обидаларни ободонлаштириш, таълим тизимини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш, жамиятда ўзаро тушуниш ва толерантлик руҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Маънавий билим муассасаларини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур кенг қамровли лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги етакчи диний таълим муассасаларига дарсликлар, соҳага оид хорижий ҳамда маҳаллий махсус қўлланмалар, компьютер анжомлари, хўжалик ва ташкилий техникалар билан кўмак бериб келинмоқда. Шунингдек, энг иқтидорли талабаларга бир маротабалик стипендия тарзида пуллик грантлар ажратилди. 2012 йилдан бошлаб талабалар бир академик йил давомида стипендия олишмоқда. Ўтган 8 йил давомида 11 та маънавий (диний) билим юртларига жами бўлиб, 114 миллион 869 минг сўмлик миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари жамғарма пойтахтимизда ва республикамизнинг вилоятларидаги туғруқхона, поликлиника, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, мадраса ва бошқа кўплаб ижтимоий муассасаларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлашда ёрдам бериб келмоқда.

Шунингдек, “Биби Орифа” мажмуасининг очилиш маросимида “Меҳр нури” жамғармасининг Маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида Гулнора Каримова томонидан 20 нафар иқтидорли талабаларга стипендиялар ҳамда маънавий(диний) билим юртларнинг моддий-техник базасини кучайтириш мақсадида турли сертификатлар ҳам топширилди.

* * *

“Асрлар садоси” маданият фестивалининг иккинчи куни иштирокчилар юртимиз тарихига оид маълумотлар, анъана ва урф-одатлар билан яқиндан танишдилар. Миллий либосларимиз, уста ҳунармандлар томонидан моҳирона ишланган уй-рўзғор буюмлари, каштачилик, қуроқчилик, зардўзлик маҳсулотлари кўргазмаси бу заминда ҳунармандчилик анъаналарининг бардавом эканлигини яна бир бор исботлади.

Айниқса анъанавий халқ ўйинларидан дорбоз, кўпкари, кураш, хўрозлар жанги, кўчқор уриштириш, арқон тортиш каби беллашувларга қизиқувчи иштирокчиларнинг ҳайрати ва қийқируви бутун дарани тутиб кетди.

Фестиваль дастурига мувофиқ ўтказилган ошпазлар беллашуви табиатан мусаффо бўлган дарада ўзгача тантана касб этди. Бухоронинг сўфи оши, Фарғона чойхона палови, Навоийнинг қўлбола оши, Жиззахлик ошпазнинг ҳудудга хос тарзда тайёрлаган ҳўкиз тили таоми, Сурхондарёнинг машҳур тандир кабобининг ёқимли ҳиди ва такрорланмас таомидан баҳраманд бўлган хорижлик меҳмонлар халқимизнинг меҳмондўстлигини қайта-қайта эътироф этишди.

***Сегурел МАРИЕ, фестиваль иштирокчиси (Франция):***

— Сармишсойдаги бундан 6-7 минг йиллар аввал қоятошларга туширилган петроглифларни ўз кўзим билан кўриш, қўл билан ушлаш бахтига муяссар бўлдим. Кўплаб саволларга жавоб топишга интиласан. Аммо саволларинг жавобсиз қолаверади. Сармишсойнинг сири ҳам шунда. Биз учун Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати жуда қизиқарли. Менга ўзбек халқининг миллий ўйинлари, спорт мусобақалари, таомлари, халқ амалий санъати жуда ёқди. Бу фестиваль ҳар жиҳатдан дунё мамлакатлари орасида катта муваффақиятга эришмоқда, деб бемалол айтиш мумкин.

Миллий либослар намойиши тадбир иштирокчиларининг эътиборини тортди. Довруғи дунёга кетган атласу адрасларимиз, момоларимиз кийган бахмал, беқасам каби матолардан миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган усулда тайёрланган бежирим либослар галереяси хорижлик сайёҳларга жуда манзур бўлди.

***Алишер МИРФАЁЗОВ, дизайнер:***

— “Асрлар садоси” фестивалига ўғил болалар либослари тўпламини олиб келдим. Уларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган. Сармишсой суратларини ўз коллекциямда акс эттиришга ҳаракат қилдим. Айниқса, хорижликларнинг либосларимга қизиқаётгани мен учун кутилмаган совға бўлди. Франциялик мутахассислар ҳамкорлик қилишни таклиф этишди.

Республикамизнинг таниқли санъат усталари, эстрада юлдузлари, хорижлик хонанда ва созандалар иштирокидаги гала-концерт намойиши эса фестивалга янада кўтаринкилик бағишлади. Фестивалнинг фаол иштирокчиларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Сармишсой дарасида ўтган “Асрлар садоси” фестивали таассурот ва ҳаяжонга бой, унутилмас ва эсда қоларли бўлди. У барча иштирокчиларга Ўзбекистоннинг қадимий анъаналари, меъморий обидалари, ноёб маънавий мероси ва санъати, тошлар бағрида сақланиб келинаётган асл маданиятимизнинг мўъжизалари билан юзма-юз бўлиш имконини берди. “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали карвони ўз йўлида давом этади.

**Эркин ЙЎЛДОШ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## ҲИКМАТ

***Доноликдан сўнг одамларга берилган энг қимматбаҳо тортиқ дўстликдир.***

Ф.Ларошфуко

***Аҳмоқлик ва донолик ҳам худди юқумли касалликдай тез юқади. Шундай экан, ўзингга дўст танлай бил.***

В.Шекспир

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Гилос



Унинг таркибида 19,2 фоиз қанд, 1,3 фоиз органик кислоталар, пектин, витаминлардан B1, B2, PP, C, каротин, шунингдек, калий, магний, фосфор, темир тузлари, уруғида 30 фоизгача мой мавжуд. Бундан ташқари, микроэлементлардан йод, фтор, хром, кремний, никель, кобальт, рух, мис, қўрғошин бор.

Илмий тиббиётда гилоснинг меваси, шарбати ва дамламаси камқонлик, сариқ касаллиги ва бошқа хасталикларда қўлланилади. Гилос қувват бағишловчи неъмат сифатида тавсия этилади. Гулидан бод касаллигини даволашда фойдаланилади. Гилос қайнатмаси ёки компоти иситма туширувчи, шамоллашда қувват бағишловчи восита сифатида ичилади. Гилоснинг ёпишқоқ рутубати борлиги учун меъдадан дарҳол тушиб кетади, ҳалқум ва ўпка дағалликларига даво бўлади. Табибларнинг таъкидлашича, агар овқатдан кейин ейилса, бадҳазмлик келтиради ва меъдани заифлаштиради. Гилоснинг таркибида қанд кўп бўлгани учун жуда ширин. Шу боис, семиришга мойил ва қандли диабетга чалинган инсонлар истеъмол қилмагани маъқул. Унинг яна бир фойдали хусусияти гўшт ва ёғли маҳсулотларни енгил ҳазм қилишга ёрдам беради.

## БИЛАСИЗМИ?

Панама давлатининг номи “капалак” деган маънони англатади.

* * *

Қадимги юнонлар тўрт букланган папирус қоғозини «tetrad» деб аташган.

## ТУРФА ОЛАМ

# Қимматга тушган пинак

**БАНГКОК-ДЕҲЛИ ЙЎНАЛИШИДА ҲАРАКАТЛАНАЁТГАН САМОЛЁТ УЧУВЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ ТУФАЙЛИ ҲАЛОКАТГА ЮЗ ТУТИШИГА БИР БАҲЯ ҚОЛДИ.**




Гап шундаки, Air India авиакомпаниясига тегишли самолёт учувчилари “ҳозир келаман” деган баҳона билан чиқиб кетиб, 40 дақиқага йўқ бўлиб кетишган. Улар 11 минг метр баландликда учаётган самолётни автоучувчига қўйиб, икки стюардесса қизга назорат қилиб туришни тайинлашади. Шундан сўнг, иккала учувчи ҳам мизғигани самолётнинг бизнес-класс салонига йўл олган. Бироқ, уларнинг уйқуси узоққа чўзилмади. Стюардессанинг бехосдан автоучувчини ўчириб қўйиши натижасида самолёт бошқаруви издан чиққан. Табиийки, бундан самолёт бортидаги 166 нафар йўловчи саросимага тушади. Воқеадан хабар топган авиакомпания раҳбарияти масъулиятсиз экипаж аъзоларини ўша заҳотиёқ ишдан озод этишга мажбур бўлган.

# Гуллар ҳам мусиқа тинглайди

**БУЮК БРИТАНИЯЛИК БОҒБОНЛАР ГУЛЛАРГА ҚАНДАЙ МУСИҚА ЁҚИШИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА ТАЖРИБА ЎТКАЗИШГАН.**



Тажрибали боғбон Крис Бирдшоунинг таъкидлашича, оғир рокни тинглаган гуллар тезроқ, каттароқ ва чиройлироқ ўсаркан. Унинг бу гапини мутахассислар томонидан ўтказилган тажриба ҳам исботлади. Гулчилар учта иссиқхонага бир хил гуллардан экиб чиқишгач, бирида классик, иккинчисида оғир рок ва учинчисида замонавий поп мусиқа қўйиб гулларни парваришлай бошлашган. Энг қизиғи, классик мусиқа гулларнинг ўсишига зиғирча ҳам таъсир кўрсатмаган. Оғир рокни тинглаган гуллар эса бўйига ўсмаган бўлса-да, япроғу ғунчалари мустаҳкам ва чиройли бўлиб ўса бошлаган. Фақат замонавий поп мусиқа садоларини эшитишга мажбур гуллар очилмай туриб, сўлиб қолган. Демак, гулларда ҳам мусиқани тинглаш қобилияти борга ўхшайди. Бироқ бу бошқа мавзу.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси партия вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Бибимарям Ғозиевага акаси

**Исохон НУРУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 519, Адади — 10620. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ

**Навбатчи:** Зафар МУҲАММАД

**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ

**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Топширилди — 23.20.

***ISSN 2010-7714***

1 2 3 4 5